

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент – 1979




ҲАМИД ОЛИМЖОН

---

КУЙЧИНИНГ ХАЁЛИ

Лирика

Тошкент — 1979



А  $\frac{70403 — 271}{М352 (04) — 79}$  Дон — 79 — 4702057020

Бу йил Ҳамид Олимжон етмиш ёшнинг юзини кўрган бўлар эди. У бунинг ярмини ҳам яшамади — автомобиль ҳалокатига учраганида бор-йўғи ўттиз тўртга кирган эди.

Уша машъум кун Ҳамид Олимжоннинг сўнги лаҳзаларида унинг ёнида бўлган Уйғун томонидан бутун тафсилоти билан тасвирлаб берилган, совет адабиёти учун оғир бўлган бу жудолик ҳақида Ғафур Ғулом радиода алам билан гапирган, Комил Яшин эса бу ҳақда армон билан қайта-қайта ёзган эди. Зулфиянинг суюкли умр йўлдоши ва улуг мураббийсига бағишланган ўтли шеърлари ҳали-ҳануз миллион-миллион қалбларга ларза солиб келади.

Ушбу фожиона ҳодиса ҳақида ёзилган гапларга қўшимча сифатида менинг айтмоқчи бўлганим шуки, мен ўша 1944 йил 2 июль куни радиокомитетнинг Инқилоб хиёбонидаги бир қаватли биносида эдим (мен дикторлик ва редакторлик қилардим), кун жуда иссиқ эди, Совинформбюронинг навбатдаги маълумотини ўқиб бўлиб, микрофони ўчирдим, ҳаёлим олис фронтга кетди. Шу пайт кимдир эшикни очди-да, аста овоз берди. Коридорга чиқдим, қақирган йигит ишга эндигина қабул қилинган ёш диктор Қодир Махсумов (у ҳозир ЎзССР халқ артисти) экан. У ҳаяжон ичида, мени Ҳамид Олимжон телефонга чақираётганини айтди.

Мен тезда девордаги олма телефонга бордим ва трубкани олишим биланоқ устозимнинг қўнғир-роқдай овозини эшитдим:

— Иш тугаши билан, Ёзувчилар союзига келинг, Дўрмонга борамиз, балки сабзавотлар етилиб қолгандир. Менимча, эртаги картошка ҳозир пишди, ковлаб олиб ёзувчиларнинг оилаларига тарқатиш мумкин, кейин жиндай дам оламиз... Келасизми?

— Уша ёқда қоламизми?— деб сўрар эканман, кечаси Совинформбюронинг янги маълумотларини таржима қилишим кераклиги, сахар олтида эса уни радиоода ўқишим шартлиги эсимга тушди.

— Албатта. Машинамиз йўқ-ку ахир.

— Ундай бўлса, мен боролмайман...— ийманиб-роқ дедим ва боролмаслигимнинг сабабини тушунтиришга уриндим.

— Э, шунақами... Аттанг... Сизсиз бориб келамиз.

У трубкини қўйди. Қулоғимга қисқа-қисқа гудок овози эшитилди, бу қисқа-қисқа дудулар худди қалбимда садо бераётгандек эди, улар менга ёши улуг оғамнинг таънасидек туюларди; инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ҳурматим олий бўлган бир инсоннинг, мендек ёш ижодкорга жуда кўп яхшиликлар қилган инсоннинг илтимосини бажара олмаганимдан қаттиқ афсусда эдим...

Ушанда Ҳамид Олимжон билан танишганимизга саккиз йил бўлган эди. У ҳамиша ўзининг қалам-каш дўстларидан хабардор бўлар, ейниқса ёшларни доимо диққат марказида гутар эди.

Бизнинг биринчи суҳбатимиз 1936 йилнинг кўкламида, ҳозир Ҳадича Сулаймонова номи билан аталадиган кўчада жойлашган Ёзувчилар союзи биносида бўлиб ўтганди. У, менинг «Севги» деган балладамни ва журналда чиққан «Бахт ва қасос» достонимдан бир парчани ўқиганини айтди. Индустриал (ҳозирги Политехника) институтида ўқиётганим, ўқишим ҳақида сўради, менинг рус тилини билишимни сезиб чин кўнгилдан самимий жилмайди ва А. С. Пушкин вафотининг юз йиллиги муносабати билан улуг рус шоири асарларини ўзбек тилига таржима қилиш борасидаги катта ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Орадан кўп ўтмай Ҳамид Олимжон бу улкан ижодий ишни бошқаришни ўз қўлига олди. Бу бемисл ижодий ишга у Ўзбекистоннинг энг етук шоир ва адибларини жалб этди. Улар орасида Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Ҳасан Пўлат каби адиблар бор эди... Ҳамид Олимжоннинг ўзи «Кавказ асири»ни таржима қилди. Менга, ўн етти ёшли бошловчи шоирга эса у лирик

шеърлар ва «Тош меҳмон» шеърӣй драмасини таржимага топширди.

Ушбу коллектив ижодий ишда Ҳамид Олимжон ўзига хос бўлган ёрқин ташкилотчилик талантини намойиш этди. Икки-уч йил ичида А. С. Пушкиннинг барча яхши асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, ўзбек халқи учун ҳам рус шеъриятининг буюк даҳоси яратган ҳазина эшиклари очилди. Бугина эмас. Ҳамид Олимжон ўз қаламкаш дўстлари билан бадиий таржима савиясини юксак поғонага кўтариб берди.

Ижодиёт — индивидуал иш, дейдилар. Шеърят — инсон қалбининг ўз-ўзини акс эттиришидир, инсон қалбининг инъикосидир. Ижодкор танҳо ўзи, ёзув столи ёнида, ёлғизликда ижод қилади. Бу бор гап. Аммо шоирни, ижодкорни илҳомлантирмоқ даркор. Унга ҳаётнинг ўзи, атрофдаги одамлар илҳом бериши мумкин. Шоир қалбини фақатгина муҳаббат бунёдкорлик нури билан нурлантира олади — Ватанга, халққа бўлган олий ва покиза муҳаббат! Қолаверса, ижодий меҳнатни ташкил этишда унга кўмаклашмоқ зарур.

Буларнинг ҳаммасини Ҳамид Олимжон жуда яхши тушунарди. Ҳар доим дўст ёнида бўлмоқ, унинг меҳнатини кузатиб бормоқ, унга ҳаётда ва меҳнатда ёрдам этмоқ, меҳр ва талабчанлик билан ижодкор ёшларни тарбия қилмоқ — барча-барчасини у ўзининг шонли бурчи деб биларди.

У ижодкор дўстларининг ютуқларини кўриб чин дилдан қувонарди: Яшиннинг «Гулсара» пьесаси ё Ойбекнинг «Уч» достоними, Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида» шеъри ё Султон Жўранинг «Жордано Бруно» достоними — барчаси ҳам унга чинакам шодлик бахш этган эди.

Ёзувчи-коммунист Ҳамид Олимжон ҳамisha партиявий позицияда маҳкам турарди, бутун ижодга баҳо беришда ҳам, айрим асарлар қимматини белгилашда ҳам катъий ва принципиал эди. 1937 йил ёз кунларидан бирида Ёзувчилар союзи президиумида Усмон Носир ижоди муҳокама қилингани ҳозиргидек ёдимда.

— Айрим бечора танқидчилар Усмон ижодида пессимизм унсурлари ҳукмрон дейишяпти, — деди у менга муҳокама бошланишидан аввал. — Сиз бунга қандай қарайсиз?

Мен Усмон Носир шеърляти некбин руҳга эга эканлиги, унинг совет воқелигига меҳр қўйган шоирлиги ҳақида гапирдим, ўша кунларда Усмон Носир шеърляти ҳақида «Қизил Ўзбекистон» саҳифасида катта мақола эълон қилган Уйғуннинг фикрларига тўла қўшилишимни айтдим.

— Балки президиум мажлисида сўзга чиқарсиз?— деб сўради Ҳамид Олимжон.

Ҳозиргача ҳам Ҳамид Олимжоннинг ўша мажлисида сўзлаган ҳаяжонли нутқи эсимдан чиқмайди, бу мажлисида менга ва Ҳамид Олимжоннинг бошқа дўстларига Усмон Носирнинг ёрқин, социалистик ҳаётни фахр билан васф этадиган шеърлятини ёллаб чиқишга тўғри келганди.

Мана энди, Ҳамид Олимжоннинг дунёдан кўз юмганига ўттиз беш йил бўлаётган бир даврда, у яшаб ўтган умрининг ҳар йили, ойи, ҳатто кунини эслаб, унинг фақат халқ билан ҳамнафас яшаганига, борлигини кўп миллатли совет адабиёти равиши учун бахшида қилганига, унинг она-Ватани ва халқининг социалистик маданияти манфаатларидан ўзга манфаати бўлмаганига яна бир қарра ишонсан киши.

Улуғ Ватан уруши арафасида бутун мамлакат М. Ю. Лермонтов вафотининг 100 йиллигини нишонлаш тараддудида эди — у кунлар хотирамдан ўчмаслиги аниқ. Ўзбекистонда буюк рус шоирининг асарларини таржима қилиш ва нашр эттириш ишларини, худди бир неча йил олдин А. С. Пушкин ижоди билан бўлганидек, яна Ҳамид Олимжон бошқарди. Бу улкан ишга ҳам республиканинг зарбаст қалам аҳли жалб этилди.

Мен шу аснода Ҳамид Олимжон уюштирган таржима кечалари ҳақида тўхталмоқчиман. Бу кечаларни ўзига хос мушоира деса бўларди. Ҳамид Олимжон бу кечаларда раислик қилар, шоирлардан ўз таржималарини ўқиб беришни сўрар эди. Лермонтовнинг бир шеърини бир неча шоир ўз таржимасида ўқиган ҳоллар ҳам учрарди. Таржималарнинг энг яхшилари нашрга тавсия қилинарди. Афсуски, эндиликда бундай ижодий мусобақалар, мушоиралар ўтказилмайди. Агар биз ана шу ажойиб аъванани, унутилмас дўстимиз ташаббуси билан яралган аъванани тиклаганимизда борми, у адабиёти-

мизда бадий таржима савиясини яна ҳам юксакка кўтарган бўларди, деб ўйлайман.

Уруш арафасида бутун мамлакат миқёсида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваддурига 500 йиллигига катта тайёргарлик олиб борилмоқда эди. Юбилейни тайёрлаш ва ўтказиш Ҳукумат комитетининг масъул котиби сифатида Ҳамид Олимжон жуда катта ишларни амалга оширди. Унинг фаолияти ҳақида кўп мақолалар, монографиялар, хотиралар ёзилган. Мен биргина нарсани айтмоқчиман: шоир, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон улкан масъулиятли ишни бошқарар экан, ўз атрофига Ўзбекистоннинггина эмас, балки бутун мамлакатнинг машҳур истеъдод эгаларини — шоирлар, ёзувчилар, шарқшунослар, тилшунослар, тарихчиларни тўплай олди.

Ҳамид Олимжон ўз халқининг ҳаёти билан, халқ билан жон ришталари ила чамбарчас боғланган фидойи бир шоир эди. Шу ерда мен бир воқеани эсга олиб ўтмоқчиман, ўйлайманки, бу нарса шоиримизнинг илҳом манбаи ҳамиша меҳнаткаш инсоннинг теран булоқдек ҳаёти эканлигини яна бир бор исбот эта олади.

Уруш арафаси эди, 1941 йил июнь ойининг илк кунлари мен редактор сифатида ишлаётган бадий адабиёт нашриётига кўнғироқ бўлди.

— Завод нималигини биласизми?— Ҳамид Олимжоннинг таниш овози қулоғимга чалинди.

— Завод...— мен бу саволдан ҳанг-манг бўлиб қолган эдим.— Умуман олганда, баъзи заводларни биламанку-я...

— Шундоқ-шундоқ!— Ҳамид Олимжон чақ-чақ кулди.— Биз ҳаммамиз завод ҳаётини умуман биламиз. Аммо конкрет билиш керак! Ишчилар ҳаётини ўрганиш керак! Эртага соат ўнда Ильич номидаги завод эшигида учрашамиз!

Эртаси куни айтилган соатда завод эшигига яқинлашар эканман, узоқдан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ва бошқа ёзувчиларга кўзим тушди, улар нима ҳақдадир гаплашиб туришар эди.

Ҳамид Олимжон ҳаммамизни завод ичкарасига олиб кирди ва аввалига дирекцияга бошлади, у ерда қизғин суҳбат бўлди. Кейин цехларни айландик, дегрезчи, фальцовкачи, чилангарлар билан учрашдик, қош қорайгандагина заводдан қайтдик.

Шу куннинг меваси сифатида кейин ишчилар ҳаёти ҳақида, турли миллатдаги меҳнат кишиларининг дўстлиги ҳақида шеърлар, ҳикоялар, очерклар пайдо бўлди.

...Ҳамид Олимжон ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам инсонлар ҳақида қайғуришини кўймади, ўзи бошқараётган ёзувчилар ташкилотининг ишлари билан машғул бўлди. У дўстлари билан бирга Дўрмондан кечаси йўлга чиқди, Тошкентга элтадиган йўлда бир юк машинаси учради. Ҳамид Олимжон кабинага чиқди, унинг вақти зиқ эди, эрталаб уни шаҳарда интиқ кутиб туришганди. Шаҳарга шошилишининг яна бир сабаби оиласига — сеvimли ёрига, болаларига, волидан зорига меҳри бениҳоя эди, тезроқ уларни кўргиси келарди. Афтидан, улардан йироқда ўтган бир кеча унга охири йўқ, зерикарли, даҳшатли кеча бўлиб кўринган эди...

Йўлда эса фалокат рўй берди...

Ҳамид Олимжон ижоди гуркираб яшнаб турганда ҳалок бўлди. Бироқ у жуда кўп асарлар ёзиб қолдирди, ажойиб ташкилотчи эканлигини кўрсатди, намоёиш қилди, буларнинг бари уни кўпмиллатли совет адабиётининг машҳур намояндалари қаторига қўйиш ҳуқуқини беради.

## II

Ҳамид Олимжоннинг болалиги нимаси биландир А. С. Пушкин болалигини эслатади. Мана унинг «Ойгул билан Бахтиёр» номли ажойиб эртақ-достонининг муқаддимаси:

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзи учар гиламлар,  
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,  
Ойни уялтирган қош,  
Ўт боғлаган қанотлар,  
Беқанот учган отлар...

.....  
Бувимнинг ҳар қиссаси,  
Ҳар бир қилган ҳиссаси

Фикримни тортар эди,  
Ҳавасим ортар эди.  
Тинглар эдим бетиним,  
Узун тунлар ётиб жим...

Ахир бу сатрлар Пушкиннинг меҳрибон эртақчи энагаси ҳақидаги шеърини эслатмайдими!

Ҳамид Олимжон асли Жиззахдан, бу шаҳар марказида ҳозир унинг ҳайкали савлат тўкиб турибди. У 1909 йил 12 декабрда камбағал деҳқон оиласида туғилди. Шоир туғилган қишлоқ бугунги кунда Ленин орденли «Москва» пахтачилик колхозининг шинам шаҳарчасига айланган унда колхоз тарихи музейи билан ёнла-ён Алишер Навоий номидаги Марказий адабиёт музейининг филиали — Ҳамид Олимжон адабиёт музейи ярақлаб турибди. Шоир ўқиган Жиззахдаги Наримонов номидаги бошланғич мактаб — шоир уни 1923 йилда тамомлаган эди — эндиликда ўлкага машҳур ўрта мактаб, уни битириб чиққанлар орасида эса ёрқин истеъдод эгалари — академиклар, профессорлар, ёзувчилар, партия ва давлат арбоблари бор.

14 ёшлик бўлажак шоир Самарқандга боради ва Педагогика билим юртига ўқишга киради. Бу пайтда у жиддий мутолаа билан шуғулланади, халқ достонларини ёддан ўқиб бериб генгқурларини лол қолдиради, Шарқ классик шеърлатини ўргана бошлайди, Навоий ғазалларини қўлдан қўймайди, Саъдий, Ҳофиз, Низомий Ганжавий, Ҳусрав Деҳлавий, Жомий асарларини бемалол форсийда ўқийди. Мана шу даврларда у ўзининг илк шеърларини ёза бошлайди.

Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб Ҳамид Олимжон рус тилини ҳам пухта ўрганиб олади, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Маяковский шеърлати билан танишади, Толстой, Тургенев, Чехов, Горький асарларини мутолаа қилади.

Комил Яшиннинг ёзишига қараганда, «унинг кўз олдида ўзининг жанговарлиги ва шиддатига кўра бемисол бўлган шоир Ҳамзанинг инқилобий ижоди турарди. Ҳамзанинг ёш шоирга таъсири кучли эди. Ҳамид Олимжон унинг ижодинигина яхши билиб қолмасдан, балки ўзи билан ҳам учрашган эди».

Бу рост гап. Ҳамза — Октябрь фарзанди, Инқилобнинг мағрур жарчиси Совет ҳукуматиға, Ленин

партиясига содиқ ёш истеъдодларни қидириб топишда ноёб заковатга эга эди. Қидирган топади, дейдилар. Ҳамза Фарғона водийсидан Комил Яшинни, Зарафшон водийсидан Ҳамид Олимжонни топди. Бу икки тенгқур у вақтда ёш бўлиб, эндигина ўн еттинчи баҳорни қарши олган бошловчи шоирлар эдилар. Ҳамза уларга устозлик қилди, маънавий мураббийлик вазифасини бажарди.

Оғир пайтлар эди у пайтлар. Шаҳар атрофларида, қишлоқларда босмачи ғалалари изғиб юрарди. Ашаддий буржуа миллатчилари ленинча маданий инқилоб йўлига тўсқинлик қиларди. Душманлар ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озодликка чиқариш каби ўша замоннинг буюк ишларини амалга оширмасликка уринар эдилар, фаол хотин-қизларни аёвсиз ўлдириб кетардилар.

Ана шундай оғир ва мураккаб даврда, Шарқ халқлари ҳаётида тубдан инқилобий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда маданий инқилоб жабҳасида Ҳамза ёлғиз қолмади, дўстлари ва шогирдлари унинг ёнига кирдилар, ана шулар қаторида биринчилардан бўлиб жасорат кўрсатган ижодкор— шеърлари ўша пайтдаёқ «Зарафшон» газетаси сажифаларида босилиб турган эрк ва қардошлик куйчиси Ҳамид Олимжон эди.

Мана, унинг 1928 йилда эълон қилинган «Шарқ» шеъридан бир парча:

Ҳаёт гўё бир ўрмон,  
Бургут, арслон йиртқичлар,  
Тани тикан зўр кучлар,  
Ўйнар, чопарди ҳар ён...

.....

Меҳнат яшиндек порлаб  
Тунни тилиб юборди.  
Илҳом сочган инқилоб  
Кундуз машъалдек ёнди.

.....

Кутмаёди энди диндан,  
Ҳар ёш юрак — бир даҳрий.  
— Йўқ пайғамбар, йўқ тангри,  
Имдод — курашчи эрдан.

Шоирнинг бутун умри давомида назокат ва ғу-  
рур билан куйлаган севимли Ватан мавзуи унинг  
илк шеърларидаёқ нишона берган эди:

...Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,  
Мен сени бир ўпай, қучоқлай-да..  
Сув — булоқ бўйларида чарчай-да,  
Сўнгра қўйнингда эркалаб ўхлай...

(«Баҳорни соғинганда», 1928 йил)

Фикримизга далил сифатида шоирнинг илк шеър-  
ларидан «Ёш куч», «Сиеб», «Ўзбекистон», «Комсо-  
мол келади», «Ўлка сафарбар», «Нима бизга Аме-  
рика!», «Тайёр трактор» каби шеърларини санаб  
ўтмоқчиман.

1931 йилда ёзилган «Биз енгдик» номли шеърида  
эса беш йилликлар шиддатини шундай акс эттиради.

Жумла жаҳон  
ишчисига кўрсатажакмиз:  
Қандай қилиб,  
одимларни ташламоқ керак!  
Қандай қилиб,  
тарихларнинг кенг кўрагида  
Большевикча курашларни  
бошламоқ керак.  
Бсш йилликнинг  
энг азамат,  
энг қатъий йили  
Заводларни зарбдор этиб  
янғратажакдир.  
Янги дунё бойлигининг  
пойдеворлари,  
Электрик одимлар-ла  
қурилажакдир!

Ўттизинчи йиллар бошида Ўзбекистон педагоге-  
миясини тугатган шоир янги социалистик маданият

қурилиши жабҳаларига ўзини урди. У хоҳ шеърда бўлсин, хоҳ публицистикада бўлсин, буржуача миллатчилик руҳидagi адабиёт ва санъатнинг халққа зийн келтириши мумкинлигини фoш этди, ўз генг-қурларини буюк рус халқининг инқилобий адабиётидан ўрнак олишга чақирди, Горький ва Маяковскийдан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан ўрганишга ундади. «Горький ҳақида хотиралар»ида Ҳамид Олимжон, Максим Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим», «Она», ва бошқа асарлари мутолааси ўз қалбида ўчмас из қолдирганини ҳаяжон билан эслайди.

Ўттизинчи йиллар Ҳамид Олимжон учун жуда ҳам сермахсул бўлди. Шоир кетма-кет бир неча шеърый китоблар нашр эттирди, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» каби дostonлар яратди, Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Горький, Н. Островский, А. Корнейчук асарларини ўзбек тилига ўгирди...

Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ҳозиргидек эсимда турибди. Мажлис 1939 йилда Тошкентда, ҳозирги Свердлов номидаги концерт залида бўлиб ўтган эди. Юбилейга бағишланган концерт олдидан, биргина стул қўйилган сахнага Ҳамид Олимжон чиқиб келди. У стулга яқин келди-да, аммо ўтирмади, стул ёнида туриб, «Ўзбекистон» шеърини ёддан ўқий бошлади. Бутун зал сув қуйгандай сукот ичида шоирнинг ҳаяжонли равон овозини берилиб тинглар эди. Эсимда, ўшанда биз — ёшлар, эндигина газетада эълон қилинган ва бизга қадрдон бўлиб қолган ажойиб шеърнинг ҳар бир сўзини шоир билан бирга такрорлаган эдик.

Ҳамид Олимжон лирик шеър устаси эди, айна замонда эпик жанрда ҳам маҳорати ўткир эди. Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеърини халқ озод меҳнатига қасида деса бўлур, уни она юрт чиройига мафтун шоирнинг дилрабо қўшиғи дейилса батамом ярашади.

Шоир чинакамига интернационалист эди, совет халқларининг ленинча дўстлигини оташинона мадҳ этган кўйчи эди. 1936 йилда ёзилган «Москва» шеърда, у буюк пойтахтимизни «куёш ва юлдуздан яралган» шаҳар эканлигини таъкидлайди:

Буюк пойтахтга кириб бораман,  
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун.  
Қуёш ва юлдуздан яралган олам  
Зеҳним, ҳаёлимни этмишдир мафтун.

Ҳамид Олимжон Октябрь қулликдан ва зулмдан  
озод қилган халқнинг яратувчи меҳнатини ифтихор  
билан васф этди. У совет воқелигини сўлмас баҳор-  
га қиёс қилди, халқнинг бахтини эса мангулик қуёш-  
га монанд топди. Шоирнинг «Ўрик гуллаганда» де-  
ган ростакам ўзига хос, ёрқин шеъри ҳаётбахш ли-  
риканинг классик тимсоли бўлиб қолди.

Озод Шарқ мавзуси, Шарқ халқларининг бахтли  
тақдири мавзуси Ҳамид Олимжон шеъриятида кат-  
та ўрин тутди. У бу ҳаётий мавзунинг социалистик  
революция мавзуси билан, буюк Ленин образи бил-  
лан чамбарчас боғлайди. «Чирчиқ бўйларида» шеъ-  
рида шоир бундай ёзади:

Мен шарқли шоирман, кўзнинг ёшлари  
Қўшиқ бўлганини кўрган куним бор.  
Қўшиқ одамларни жангга ташлаган,  
Қўшиқ кўнгиллардан кеткизган ғубор.  
Қўшиқ одамларни Ленинга элтган,  
Қўшиқ бахт-толени ахтарган йиллар,  
Бу қўшиқ халқларни биродар этган,  
Занжир, кишанлардан қутулган эллар.

«1924 йилнинг 21 январиде Самарқанд» номли  
шеърида эса шоир пролетариат доҳийсининг буюк  
образини улуғлайди:

Инсонга ўт ўғирлаб берган  
Прометей бўлганда ҳаёт,  
Бутун тани бўлса ҳам кишан,  
Уни кўриб ёзарди қанот!

Ҳа, Октябрь ва Ленин мавзуси — халқларнинг эр-  
ки ва бахт-саодати мавзуси Ҳамид Олимжон шеъри-  
ятининг бош мавзуси эди. у ўзининг сўнгги сатри-  
га қадар бу мавзуга садоқат кўргизди.

### III

Уруш яқинлашиб келарди. Европада фашизм  
бош кўтармоқда эди. Испания фожиаси бошланди.

Фашизм бутун-бутун халқларни қонга ботирди: миллион-миллион кишилар азоб-уқубатда қолди. Гитлерчилар Германияси Польшани забт этди. Фашист ғалалари СССРнинг ғарбий чегараларига таҳдид қила бошлади. Урушнинг машъум сояси тобора кенгайиб борди.

Совет шеъриятида халқнинг ёвга қаҳр-ғазаби мотивлари жаранглай бошлади, халқни ва унинг фарзанди — жонажон Қизил Армияни сафарбарликка чорловчи оташин асарлар пайдо бўлди.

Урушнинг биринчи куни Ҳамид Олимжон Москвада эди. Машҳур «Москвани мен биламан» шеъри ҳам ўшанда ёзилганди:

Ёвга қарши қўзғалади Москва,  
Шаҳар кечган тинчлик, ором баҳридан.  
Ҳар ерда бор бир улуғвор нишона  
Москванинг ғазабидан, қаҳридан.

.....  
Москвани қўриқлайди бутун эл,  
Кўкрагимиз осмонида зўр қалқон.  
Шуни билким, жон учун жон оламиз,  
Шуни билким, тўқамиз қон учун қон.

Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотининг раҳбари вазифасида ишлар экан, Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан урушининг дастлабки оғир йилларида ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча мураккаб ишларни ўз зиммасига олди. Урушнинг биринчи ойларида у кун-тунини вокзалда поезд кутиш билан ўтказди: Тошкентга Украина ва Беларусиядан, Москва ва Ленинграддан эвакуация қилинган адиблар, санъат арбоблари кела бошлашди. Ҳамид Олимжон ўзининг қаламқаш дўстлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Яшин, Уйғун, Зулфия, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар билан Алексей Толстой, Якуб Колас, Владимир Луговской, Михоэльсларни, совет маданиятининг бошқа юзлаб арбобларини, ижодий коллективларни уйларга жойлаштиришда фаол иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи кўп миллатли адабиётнинг катта марказига айланди. Алексей Толстой ўзининг қаҳр ва ғазабга тўла публицистик мақолаларини Тошкентда ёзди ва «Правда»да бостириди, рус, украин, белорус, молдаван, Болтиқбўйи шоирларининг овозлари шу ердан туриб бутун мамлакатга жаранглади, бу ерда ватанпарварлик спек-

такллари қўйилди, фашистларга қарши руҳда фильмлар ишланди, фронтга ёзувчилар, артистлар бригадалари шу ердан жўнаб кетишди. Уша пайтдаги адабий ҳаётнинг гуркираб яшнашида, жуда кўп адабий кечаларнинг, митингларнинг фашистларга қарши руҳда ўтишида, китобларнинг тез суръатлар билан нашр қилинишида ва ҳоказоларда моҳир ташкилотчи Ҳамид Олимжоннинг улкан хизматини катта авлод ёзувчилари ҳозир ҳам миннатдорлик билан эслайдилар.

Бу ҳақда кўп ёзилди. Мен фақат бир неча мисол келтирмоқчиман. К. М. Симонов «Тириклар ва ўликлар» трилогиясининг иккинчи китоби — «Солдат бўлиб тутилмайдилар» романида «Ташкентстильмаш» заводи ҳақида ўзбек ва рус ишчиларининг ҳамкорликда олиб борган ишлари ҳамда қардошларча дўстлиги тўғрисида алоҳида bobлар ёзди. «Урушсиз йигирма кун» повестидаги воқеалар ҳам урушнинг биринчи йили — Ўзбекистонда бўлиб ўтади, ўз «Кундаликлари»да эса ёзувчи, ўшандай оғир-уқубатли йилларда ўзбек халқининг қардошларча кўрсатган меҳмондўстлигини миннатдорлик туйғуси ила хотирлайди.

Комил Яшин «Ҳамид Олимжон ҳақида сўз» номли мақоласида бундай ёзади: «Ёзувчилар ташкилотини бошқариш оғир меҳнатни, ҳеч қандай кучни аямай ишлашни, ҳамишалик ижодий сафарбарликни талаб қилар эди ва шоир, маънавий фавқулодда кучли одам, раҳбарликни қизғин ижодий иш билан қўшиб олиб беришга ўзида куч тополди».

Комил Яшин ўзининг қадрдон дўсти ва сафдоши ҳақида ёрқин ва ҳақ гапларни ёзди.

1954 йил январь кунларининг бирида Минск шаҳрига борганим ва Якуб Колас уйда меҳмон бўлганим эсимга тушади. Кечқурун, камин олдида Константин Михайлович билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдик, унинг Тошкентда яшаган йилларини, уруш даврини ёдга олдик.

— Афсус, ҳай, афсус! Ҳамид Олимжон ёш кетди-да! — деди буюк белорус оғамиз. — Унинг ўлими — бутун совет адабиёти учун оғир жудодик бўлди.

Якуб Колас Тошкентда ўтган ўз юбилейини эсладди: у ўшанда 60 ёшга кирган эди, шу юбилей муносабати билан Ҳамид Олимжон Якуб Колас шеър-

ларини ўзбекчага таржима қилдиришда ва китоб ҳолида нашр этишда жонбозлик кўрсатган эди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ҳамид Олимжон алангадай ёрқин истеъдодли, саҳий қалбли, оташин интернационалист эди.

#### IV

Уруш йиллар ўзбек шеърияти ёрқин талантларга бой, улар шеърятни юксак чўққига кўтардилар. Умумхалқ ватанпарварлиги, маънавий кўтаринкилининг баланд авж пардаларида жангчиларимизнинг фронтда кўрсатган бекиёс мардлигини, халқнинг фронт орқасидаги қаҳрамонона меҳнатини улуглағувчи шеърлар ва дostonлар яратилди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шароф Рашидов, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий, Зулфия, Собир Абдулла, Миртемир, Султон Жўра, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев ва бошқа шоирларимиз жуда ҳам сермахсул ижод қилдилар.

Ҳамид Олимжон шеърияти совет шеърятининг пурмавж баҳрига бамисли тошқин дарёдай келиб қуюлди. У урушнинг бошидаёқ «Эвакуация» номи ли шеърый туркум ёзмоқни ният қилган эди, аммо бу борада у бир неча шеърларгина ёзди, уларнинг ичида «Шарққа кетганда» шеъри ўзининг эпик кўлами билан ажралиб туради. Совет халқларининг қондош-қардошлиги мавзусида ёзилган «Роксана-нинг кўз ёшлари» балладаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳамид Олимжон шеърятининг шуълаафшон чўққиларидан бири — «Севги» ўқувчиларга ёқиб қолди, унда ҳижрон дардлари, ғалабадан сўнг келажақ муқаррар висол ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,  
Дедингки: «Эсдалик бўлсин, бунин ол...»  
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?  
Тутганинг гулмиди ва ёким хаёл?

Бутун ёшлигимиз жангдадир букун,  
Жангда ечилмоқда севги қисмати.  
Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар,  
Ҳаводе учади маҳбублар хати...

Ҳамид Олимжоннинг «Нихол», «Йигит», «Гвардиячиларга салом», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга», «Шинель», «Сен туғилган кун», «Қамал қилинган шаҳар тепасида ой», «Учрашув» каби шеърлари К. Симонов, А. Твардовский, Н. Тихонов, В. Луговской, М. Исаковскийларнинг уруш даврида ёзилган энг яхши шеърлари қаторида туради.

Ҳамид Олимжон сиёсий лирикасининг ажойиб дурдонаси санагадиган «Россия», бу дастуриламал қатори бир шеър, ўзбек халқининг буюк рус халқига, қудратли Россияга бўлган меҳру ҳурматига қасидадир. Шоирнинг доҳияна сатрлари қардошларча бирлик қўшиғидай, содиқликка қасамдай жаранглайди:

Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.  
Сенинг тупроғингда улгайди таним,  
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон ижоди — замоннинг илғор революцион ғоялари билан суғорилган, ўзига хос, ватанпарварлик руҳидаги теран шеърияти, драматургияси, адабиётшуносликка оид мақолалари ва публицистикаси кўпмиллатли маданиятимизга қўшилган улкан ҳисса бўлди.


Ўзининг қисқа, лекин қайноқ илҳом ва ижодий меҳнатга тўла умрида шоир бутун совет халқининг ифтихори деса эрзийдиган ўлмас асарлар яратди.

Ҳамид Олимжоннинг ижодий таржимаи ҳоли — адабиётимизнинг XX аср биринчи ярмидаги тарихининг, меҳнаткаш халқимиз ҳаётининг ёрқин соломасидир.

Ҳамид Олимжоннинг сози ҳеч қачон тинмайди, у ҳар бир янги аалод қалбида жаранг бераверади. Унинг ёрқин тимсоли тиниқ юлдуздай порлаб ҳамиша янги талантларга шеърият чўққилари сари йўл кўрсатиб туради.

Ҳамид Олимжон шеърияти мангуликдир.

ҲАМИД ҒУЛОМ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



## БОЛАЛИК

Дунё экан...  
Чаманзорлар кечиб,  
Ошиб тоғлардан,  
Қуёшдан нур ичиб,  
Қум, ўтлоқлардан  
Ўйнаб... кулиб...  
Армон билан  
Ўтар экансан.

Бола эдик.  
Танлар — олов,  
Қалб — қайноқ,  
Кўзлар — ўткир,  
Диллар — соф,  
Эркин-эркин ўйнардик...  
Ҳаёт билан  
Қайнар эди  
Куй, қишлоқ.  
Бир ёнда тоғ,  
Бир ёнда боғ...  
Сув сочарди...  
Гул очарди...  
Кенг кўчалар...  
Узун йўллар...  
Порлар эди  
Шам — чироқ...

Суз оқарди,  
Қўйнида  
Кўкрак кериб,  
Балиқ каби  
Шўнғиб ётардик..  
Қизлар ўтса,  
Орқасидан  
Олма отардик.

Нурли, ойдин кечалар,  
Порлар эди кўчалар,  
Тўпланардик,  
«Яшинмачоқ» ўйнардик.  
Сўнг чарчардик,  
Чумчуқ каби  
Чирқиллашни  
Ташлаб биз,  
Роҳат-роҳат  
Қўзи каби ухлардик.

Кўнлар ўтди.  
Шаҳар бизни  
Олов кўзли,  
Темир танли  
От билан  
Кўкрагига чақирди.  
Узоқ кетдик,  
Йўлда тоғлар,  
Бир тегирмон тошидек  
Чир айланиб қолдилар.  
У, кишнади,  
Мағрурларча бақирди.  
Ёш кўнгиллар,  
Поёни йўқ ҳисларни,  
Йўлга сепиб,  
Сўнг завқларга толдилар.

Йиллар учиб кетдилар.  
Кўп баҳорлар  
Қанот ёзиб,  
Тилакларга етдилар.  
Биз шаҳарнинг кураш маршин  
ўргандик.

Фақат баъзан йўлларда  
Телба сувлар оқалар.  
Бизга қараб:  
«Кел-кел» дейлар,  
Қуёш эмиб боқалар.

Ёшлик эсга тушади.  
Кўз олдимдан  
Болалигим  
Қувлашиб ўтишади,  
Хаёлларга толаман..  
Оҳ... унларни эслаб,  
эслаб,

Бир нафас жим қоламан.  
Лекин, яна  
Шовқинларга  
Қулоч ёзиб кираман.  
Тўлқинларда  
Ўйнаб, қайнаб,  
Чаппор уриб  
куламан.

1928

## СИЁБ

### 1

Кўкдан  
Ҳар кун  
                    олтин олов тўкилди.  
Жимжит ҳар тун  
Ғавғо билан сўкилди.  
Мудраган,  
Ухлаган  
                    ҳар ер жонланди.  
Қиш кетди,  
Қор битди,  
Ҳар новда  
Оқ, пушти  
Чечаклар тақиб,  
Ҳар кўнгил  
Унларга завқ билан боқиб,  
Бахмал кўйлақлар-ла  
Кўклам бошланди.

### 2

Биз шод, қувноқ,  
Сиёб сари оқамиз,  
Ҳар томонга  
Севинч билан боқамиз.  
Бир ёнда:  
Ёйилган  
Қўйлар, қўзилар,  
Кезади,

Ўтларни эзади,  
Боққанда  
Унларга  
Хаёл чўзилар...  
Бир ёнда:  
Ётади  
Вайрона мазор,  
Бағрида  
Юради  
Бир гава:  
Истайди  
Кечмишдек вафоли бир ёр,  
Ястаниб ётади  
Вайрона мазор.  
Биз бир тўлқин —  
Сиёб сари оқамиз.  
Ёш дилларга  
Олтин чечак тақамиз.

### 3

Сиёб  
Гўё  
Тўлган, кулган юзлардек,  
Кўтарилар ҳар нафас,  
Уйнар,  
Истамас қафас,  
Тўлқинлар ўтишади,  
Сезгир зийрак кўзлардек,  
Баланд-пастга тушади.  
**А**ғдарилиб:  
Кашта тикиб,  
Тез-тез ўтиб кетади.  
Ким билади,  
Балки кунда,  
Балки тунда,

Ким қайларга етади.  
Қанча йўлни  
Енгиб, сўнгра  
Ким, қайларга сингади.

Кичик кўприк...  
Устунларга  
Сувлар ўзин уради.  
Оппоқина,  
Қўнғироқли,  
Кумуш чечак бўлади.  
Кўприк кичик...  
Лекин тетик...  
Оғирликни сезмайди.  
Бирни — унга,  
Бирни — бунга,  
Ҳар тарафга йўллайди.

Занжир каби  
Уланишиб  
Йигит-қизлар ўталар.  
Эпчиллари  
Тез шошилиб,  
Чопибгина кеталар.  
Баъзилари  
Қўрқа-қўрқа,  
Сўнг соҳилга еталар.  
Қўлкалари  
Баъзан титраб  
Ўйнайди.  
Узун сочлар  
Мажнунтолдек  
Эгилмакдан тўймайди...

Букун сайил,  
Ўйнашалар

Еш қизлар,  
Ёш йигитлар,  
Гўёки сел,  
Ҳам тошалар,  
Узоқ қочган сукутлар.

Сайил  
Лекин,  
Қурбон-да йўқ,  
Ғам — узоқ,  
Янги, ўтли  
Йўллар учун  
Қўёлмайди  
Дин тузоқ.

Ҳар дил — хурсанд,  
Ҳар юз — кулган.  
Сажда қилмай тангрига.  
Англаган ул,  
Бош эгмайди  
Унинг хоин амрига.  
Эсади ел,  
Юксакларда  
Ҳилпирайди рўмоллар  
Эгади бел,  
Тубанларда  
Сувга сероб  
Ёш толлар.

Дов баландда,  
Улуғ гўрда  
Бир пайғамбар чўзилган.  
Янги насл  
Уни ортиқ  
Нафрат билан кўради,

Шам ёқмайди,  
Пул — оқмайди,  
Эшиклари бузилган.  
Пойгоҳида  
Оқ саллала  
Қора бургут туради,  
Юзларидан тупроқ ёғиб  
Ўзни ҳар ён ташлайди:  
— Ёҳул!...— дейди,  
Тангрисига  
Ёлвормоққа бошлайди.

Пастда  
Ҳамма хурсанд,  
Ўйин... кулги... роҳат...  
Соз... мусиқи... чалади...  
Ҳар ҳисни-да  
Қитиқлайди,  
Ҳар дилдан сир олади.

Кенг бир давра  
Ўртасида,  
Бир гўзал қиз ўйнайди.  
Кўзни сузиб,  
Қошни кериб,  
Тинч тургани қўймайди,  
Майда-майда  
Қадам ташлаб,  
қўшиқлар-ла  
қайнайди.

4

Букун сайил,  
Ёш юракда

25

Қолмагандир  
Қайғу ҳеч.  
Эй, қайдасиз:  
Уйғун,  
Илҳом,  
Кетмаймизни,  
Бўлди кеч!

1929

## БАХТЛАР ВОДИЙСИ

(Фарғона шеърларидан)

Кўм-кўк.

Кўм-кўк.

Кўм-кўк...

Кўклам қуёшидан

кўкарган қирлар,

Пўлат яғринларни

кўтарган ерлар

кўм-кўк!..

Салқин саҳарларда

уйқудан турган,

Булоқ сувларига

юзини ювган,

Мармар ҳаволарнинг

қўйнига чўмган,

Зилол бўшлиқларга

кенг қулоч қўйган,

Мустақиллик

ишқи билан

ёнган далэллар

кўм-кўк...

Уфқимизнинг ҳирсларини

ўзига тортган,

Елкасига тарих билмас

ғалаба ортган.

Улуғ йўлда толиқмасдан

тез кетаётган

бахмал қирлар,

кенг бўшлиқлар,

Пахтазор ерлар

кўм-кўк...

Тонг палласи ҳавас билан

далага оққан,

Муздай совуқ шаббодалар

танига ёққан,

Кетмонлари

кун тиғида

ярқираб боққан;

Гўзалари

ўсиб,

гуллаб,

кўсаклар таққан:

Бу — тоғларнинг этагига

ёзилган гилам,

Соғ ўпкаси

тўлиб нафас

олгувчи бу дам,

Товушлари куйга тўлиб

Пишқирган дарё,

Ҳеч губорсиз сезилгувчи

бу тоза ҳаво,

Бутун борлиғи-ла

орзуга тўлган,

Ҳуснлари қип-қизариб

етилган гўзал,

Томирлари кучга тўлган

бу ёш навқирон,

Яна янги ўлжаларга

отланган

карвон;

Зўр сафарга

руҳ беришга

ҳаводай даркор;

Янги бешнинг нотасини

олган бастакор;

Барча япроқлари  
                                  бирдай кўкарган,  
 Новдалари жонли,  
                                  бу ноёб баҳор,  
 Қарашлари нурга тўлган  
                                  бу улуг водий  
                                  кўм-кўк!..  
 Эй, Фарғона!  
 Эй, большевик водийсида  
                                  пахтакор — деҳқон,  
 Эй, ўлкамиз  
                                  томиридан  
                                          жўшган  
                                                  тоза қон.

Салом сенга!  
                                  Эй, Қайнардан  
                                          чиққан  
                                                  қаҳрамон!

Салом сенга,  
                                  ўлкамизнинг кўз қорасидай,  
 Гард юқтирмай,  
                                  гуркиратиб  
                                          кўкка кўтарган;

Салом сенга!  
                                  Полосонлик  
                                          Ҳайдар капитан!

Кўм-кўк...  
                                  Кўм-кўк...  
                                          Кўм-кўк...

Меҳнат — шараф ва шон бўлган  
                                  водийлар  
                                          кўм-кўк...

Ғўза гули билан  
                                  қалблари ўсган,

Ғўза япроғи-ла

қалби кўкарган  
водийлар  
кўм-кўк...

Кўм-кўк водийларда

пўлат излардан,

Кечаётир қора поезд

учиб,  
қарсиллаб,

Электрик томиридан

оққан қонлардан

Бутун ўлка

шимираётир  
чанқаб,  
ҳарсиллаб,

Бутун ўлка ишлаётир

пишиниб,  
терлаб...

Эй, Фарғона!

Эй, бўйнига  
қора тўрва  
осган жонлардан,

Эй, ҳар куни,

гадойликка  
тортган онлардан,

Эй, танларни

шилиб ётган  
ҳаром қонлардан

Бирйўласи озод бўлган азамат ўлка!

Эй, ҳаққи-ла

бош кўтариб,  
янги даврга,

Миллионларнинг кенг бағрига

улғайиб кирган,

Эй,  
     муштумзўр ўсган ерга  
         электрикдан,  
 Трактордан,  
         комбайндан  
                     қўзғалиш берган.  
 Бўла,  
     юмшоқ,  
         семиз,  
             сероб  
                 сийналарида  
 Янги давр юрагининг  
         ўти кўкарган,  
 Юраклари тетик урган  
 Оппоқ,  
     момиқ тан!  
         Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк...  
 Диллар  
     ҳавас билан тўлади,  
 Юзлар  
     севинч сепиб кулади.  
 Тўрт томони осмон билан  
     ўралган водий!  
 Кундан-кунга  
     ҳусни ортган ойдек тўлади.  
 Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк...:  
 Янги кунга чиққан  
     водий оёқларида  
 Оч ит каби,  
     судралгувчи  
                     давр ўлади.  
 Эй, Фарғона!  
     Мушкул кунлар боласини  
         тишида тишлаб,

Ювиб,  
     тараб,  
         севиб,  
             ўпиб,  
                 қучиб,  
                     опичлаб,  
 Эй, бахтларни балоғатга  
                     еткизган она!  
 Ёзилиб,  
     етилиб,  
         тўлиб ётади —  
 Ёппасига  
         янги кунга  
             эришган Қуба!..  
 Нафаслари тўлиб-тўлиб  
             қулоч отади —  
 Уйқуни тарк этиб  
             керишган ува.  
 Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк...  
 Дунёларни қойил қилган  
             увалар  
                 кўм-кўк!..  
 Мардчасига отни сурган  
             қувалар  
                 кўм-кўк...  
 Бу голиб шторма тантанасидир,  
 Бу бизнинг  
         сафарнинг  
             зафар сасидир.  
 Дунё остин-устун бўлди,  
 Янги дунёнинг  
         қарашлари ўткир,  
             ҳужумлари зўр,  
 Енгилган дунёнинг бағрини босиб,  
 Юлдузга интилган  
         бу давр мағрур,

Ишонч кўзи билан  
                                          олға боқадур.  
 Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк...  
 Йўлда катта доvon бор ҳали,  
 Қизил соҳилларни  
                                          маҳкам тутайлик:  
 Шунда денгизларда  
                                          сузмас ёт қайиқ;  
 Баланд чўққиларга  
                                          кўтарилганда  
 Тоза нафасларни  
                                          тўла олайлик.  
 Эй, бахтли вcди-йнинг большевиклари!  
 Эй, ўлкани  
                                          элек-трик дарёларига  
 Ёш боладек чўмилтмоқчи  
                                          бўлган фидокор!  
 Эй, болага тоза кўйлақлар  
                                          кийгизувчи ўртоқ  
                                          пахтакор!  
 Кўм-кўк водийларни  
                                          кўз қорасидай  
                                          асра!  
 Баргларига  
                                          гард ҳам юқтирмай!

1932

## **ХАЙРЛАШУВ**

Узинг сўйла, шу қора кўзлар  
Унутарми шу учрашишни?  
Шунча ўсиб ништар киприклар  
Кўрганмикин шу гўзал тушни?

Ёниб турган олов дудоқлар  
Бошқа лабга бўлганмикин банд?  
Юракларнинг ўйнаши ҳеч бир  
Бўлганмикин шунчалик баланд?

Унутмасман сени ҳеч қачон,  
Юрагимда қоларсан абад;  
Сен қоларсан мен билан мангу,  
Юрагимга ошна бўлган дард!

Сўроғим шул: қора кўзларнинг  
Йўқолмасин сира вафоси.  
Бошларга тушмасин ҳеч қачон  
Шу кўзларнинг ҳижрон жафоси.

Сен қоларсан бу ерда ёлғиз,  
Мен бўларман ҳамон дарбадар,

Қуёш уфқларга боққунча,  
Ой айланиб ўтгунга қадар.

Хайр сизга, икки оҳу кўз!  
Хайр йўлдош, хайр ошино!  
Хайр сизга, эй икки юлдуз,—  
Хайр сенга, эй гўзал дунё!

1934

## ДАРЁ КЕЧАСИ

Дарё гўзал... осмонда юлдуз,  
Ой сузмоқда адир устидан.  
Соя солган кўкдан оқ булут  
Фазоларга ўз уйқусидан.

Кеча гўзал, дарё тинимсиз,  
Ағдармоқда сойнинг тошини,  
Далаларга чўзиб оёғин,  
Қорликларга ўраб бошини.

Тоғлар боши қорга кўмилган,  
Қор устида оппоқ бир туман...  
Туман хаёлига қуюлган,  
Паға булут, фируза осмон.

Тинмай оқар дарё пишқириб,  
Қуйи кетар ойли тун бўйлаб;  
Сой бўйидан дарё тунидан  
Водийларга ҳикоя сўйлаб.

Дарё тўлқин, шамол қўйнида  
Порилламоқдадир чироқлар;  
Ёришмоқда унинг аксидан  
Чўққилар, адирлар ва тоғлар.

Кеча бўйлаб, дарё ёқалаб,  
Ўтмоқдадир катта намойиш;  
Келмоқдадир баланд қирлардан  
Ер қўпорган портлашдан товуш.

Ер қўпориб баланд бақирган  
Қирдан тошар бир кучнинг саси;  
Гидромонтёр сувидан қочган  
Шағалларнинг сўнгсиз ғавғоси.

Сойда шамол... дарёда тўлқин...  
Паром сузмоқдадир чайқалиб;  
Ўтмоқдадир ишчи, уйғоқ тун,  
Ер ва кўкка ғавғо, жар солиб.

Тун тинчини бузган зўр дарё,  
Товланмоқда инсон қўлида,  
Қурилмоқда буюк бир бино  
Дарё ўтган ўлка чўлида.

Довул қоқиб ўтар уйғоқ тун,  
Тайёр бўлар тонгда бош тўғон,  
Чексиз шодлик билан югурар  
Саҳроларнинг юрагига қон.

Пишқирувчи ваҳший дарёга  
Кўрсатилар тамом янги йўл.  
Бош инженер завқ билан қўяр  
Чирчиқ тутган бир қоғозга қўл.

Бўйин эгар дарё амрга,  
Оқа бошлар янги из билан,  
Инженерлар, ишчи зарбдорлар  
Мағрур кулар ёнган кўз билан.

Тун ҳам ўтар мазмунга тўлиб,  
Унутилмас дарёга бу он.  
Унутолмас буни ҳеч қачон  
Дарёдан зўр ва моҳир инсон.

1935

## МОСКВА

Буюк пойтахтга кириб бораман,  
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун,  
Қуёш ва юлдуздан яралган олам  
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

Кўксимга сиғмасдан талпинар қалбим,  
Кириб бормоқдаман кўзни олмасдан,  
Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким,  
Кўзимга урилар бири қолмасдан.

Чанқаб тикиламан — таним, жоним кўз,  
Пойтахт чироғи ёнар қаршимда,  
Кремль бошида ёнувчи юлдуз  
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.

Мен билан биргадир дўстлар, ҳамроҳлар,  
Бу чирой ёритар барчанинг қалбин,  
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,  
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва яқин.

Жаннат ўлкасини яратган инсон,  
Ошиқар умрида энг бахтли дамга.  
Чегарадан келар қўриқчи, посбон,  
Тарихда энг буюк оддий одамга.

Ҳамма ёқ интилар Москвага қараб,  
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,

Шу қуёш ўнгида айланар дунё,  
Шу ердан бошланар бутун коинот.

Буюк пойтахтга кириб бораман,  
Қайноқ кўзларимда эрир совуқ тун.  
Қуёш ва юлдуздан яралган олам  
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

1936

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИРАСИ

(Вера Инбердан иқтибос)

Мен кўрдим энг гўзал баҳор пайтини,  
Япроқни кўқартган у тонглариингни;  
Меним бошларимга тегиб ўтдилар  
Гулдаста қўллари бўтоқлариингни.

Баҳор боғларидан куй айтиб ўтган,  
Зилол сувлар ҳали эсимда —  
Чанқаб бориб сероб бўлганим —  
Даланга қуёшлар тўшалган кунда.

Мендан сўра: доно қуртларнинг  
Чарчамасдан, сира тинмасдан  
Гўзал келинчакни кийинтиргали  
Ипак тикишини энди биламан.  
Сенинг хотирангни унутмас асло,  
Меним юракларим, Ўрта Осиё!

Узумзор жаннатни мен кўрдим,  
Баҳор эртасида боғбон дер:

«Ўзгал!»

Қишнинг уйқусидан кўз очган новда  
Талпинар шамолда:

— «Мана, мени ол».

Сунбул сочи, фарқи очилган  
Бола лабли бир қизни кўрдим,  
Кеча грензавод ўқишга қўйган:  
Олдида микроскоп, узун киприги  
Қарашдан тўсарди кўзнинг нуруни.

Яқин бордим,  
гап ташлаб кўрдим:  
— «Салом, — дедим унга, — Москвадан».  
У ҳам жавоб берди:

— «Сизга ҳам  
мендан».

Қалдирғоч қошини яна чимирди,  
Сухбат очар эди илмдан — фандан,  
Сенинг хотирангни унутмас асло  
Менинг юракларим, Ўрта Осиё!  
Икки ўртадаги узун масофа,  
Менинг кўзларимнинг нури-ла тўлган:  
Эй, Ўрта Осиё,

сенинг хаританг  
Менинг деворимга ёпиштирилган.  
Колхозчилар, шаҳарликларнинг  
Узун қаторида

қуёш,  
шовқин,  
шон!

Гулловчи водийдан,  
бол боғларидан  
Ўйнаб оқар экан эрка Зарафшон.  
Чошгоҳ чоғи далада бўлдим.  
Ловуллайдди тепада қуёш,  
Қум ёнадир, чўғ бўладир тош;  
Халқумлар қурийдир,

ҳаво иссиқ, дим.  
Чопикдан бўшаган колхозчи бир зум  
Дам олиб ётади кўлагада жим.  
Ҳамма нарса сафарбар сенда,  
Ҳар бириси ўз куйин куйлаб: —  
Автомобиль,

арава,  
туя —  
Пахта ташир ўлкани бўйлаб...

Қулочинг чўзилган Афғонга қадар,  
Унда тамом бўлар бизнинг ўлкамиз,  
Бир сиқим тупроғи олтидан азиз,  
Соқчи сергак турар чегарамизда:  
Ильич чироғининг нурлари кўзда,  
Меҳнат ва шодликнинг қўшиғи —  
Меним қўшиғим ҳам тугалар шунда.  
Сени унутолмас юрагим асло,  
Эй, Ўрта Осиё, Ўрта Осиё!!!

1933

### 1

Бу хаёл сўнгсиздир, осмон каби кенг,  
Бу хаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.  
Унинг бойликлари умрларга тенг,  
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.

У сира тўхтамас, тошар доимо,  
Қилиб бўлармикан уни ҳеч баён?  
Чўлларда дарбадар, тоғларда танҳо,  
Ҳар кеча янги сир бўлади аён...

Сўзсиз ҳикоялар, энг буюк сирлар,  
Бирдан тилга келар дарёдай тошиб,  
Юзлаб қабилалар, ўнлаб асрлар  
Унинг осмонидан ўтар адашиб...

### 2

«Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча»,  
Қуёш уйқусига тўйиб тургунча,  
Кўзи ёшликларнинг бордир йўлдоши,  
«Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча...»

Айрилиққа тушиб йиғлар икки ёр,  
Бириси интизор ва бириси хор;  
Сабрлар тугади, синди косаси,  
«Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор».

Қирғоқларга урар дарё ўзини,  
Осмон қуршамишдир тупроқ юзини.  
Баҳорий даштларга, гул водийларга,  
Ойбарчин тикмишдир қора кўзини...

### 3

Бунда на ўй бордир, на том, на девор,  
Далада ўтади қиш, баҳор ва ёз;  
Тоғларда йўлчини ажалдан сақлар  
Кўллардан қоғолаб учиб чиққан ғоз.

Инсон ўрганмаган ўтроқ ҳаётга,  
Унинг-чун ватандир ҳар гулшан водий;  
Бугун қўноқ экан шу баҳор воҳа,  
Эртага бир ерга кўчмақдир ёди.

Карвон йўлга тушар юкларни ортиб,  
Сукунат бузилар қўнғироғидан;  
Қуллар уюр ҳайдар сурини тортиб,  
Элчибой ошади булут тоғидан.

Далани тутди йилқилар, қўйлар,  
Бахмалдан ёпилган ўтовлар, уйлар,  
Қирқ кеча, қирқ кундуз тинмайин ўтар  
Бойвакча ўғилга атаган тўйлар.

### 4

Оёқлар остида ястанар сойлар,  
Қошларда чарх уриб айланар ойлар.  
Қулларга амр этиб қамчи ўйнатиб,  
Экинни билмаган йилқичи бойлар.

«От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,  
Урушда билинар марднинг сараси»,

Олтойчилик йўлда қолган шўр элнинг  
Кўринарми юлдузининг қораси?

Қора булутдайин босиб келар ёв,  
Олплар давра солар, отлари асов;  
Эл чиқар, фарёди учар кўк сари,  
Қуллар исён қилар қўлида касов...

5

Куй кўпдир, аламлар бутун бир олам,  
Уни ташувчилар яшар саҳрода,  
Куйларда қақшайди фақирлик ва ғам,  
Куйнинг тингловчиси ҳайдайди пода.

Куй кўпдир, қўшиқлар шу осмонни  
Беркита олади булутлар қадар;  
Куй кўпдир, қўшиқлар миллионча жонни  
Қўзғата олади, муҳтарам падар!

Кўй кўпдир, ҳар юрак сақлайди армон,  
Куй айтиб доимо қушлар чийиллар;  
Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон,  
Куй айтиб учади беватан еллар.

Куй кўпдир, исёнкор дод кечасида —  
Беномус этилди куйчининг қизи;  
Куй кўпдир, куйчининг пешонасида  
Жазо отрядининг товонин изи.

Дорларга осилди жувоннинг эри,  
Қўшиқлар этилди мажруҳ ва бетоб,  
Саҳрони қоплаган элнинг шири  
Қолиб кетди чўлда бекитоб.

Энди қўшиқ ҳурдир, юраклар бедоғ,  
 Қаддини кўтарди ўлка ва одам,  
 Қўшиқлар мўл бўлсин, тетик ва қувноқ,  
 Ота, замонимиз ғазалхон бир дам.

Далалар, саҳролар, чўллар бахтиёр,  
 Куй айтиб яшайди манзиллар, эллар,  
 Тинмасдан куй айтар суюкли диёр —  
 Қўшиқдан осмонлар, тоғлар гумбурлар.

Куй айтар булутлар ичидан инсон,  
 Куй керак мардона, жувон ҳаётга,  
 Куй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,  
 Ота, қўшиқ айтган отар муродга!

1936

„Муҳаббат  
Ул ўзи эски нарсая,  
Лекин ҳар бир юрак  
Они ёнгорта...“

*Ҳоди Тоқтош*

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,  
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.  
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,  
Бўстон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган  
Қора кунлар бизга ёт бугун;  
Бизга ётдир Ширин бахтини  
Поймол этган у қоп-қора тун.

1936

## ОФЕЛИЯНИНГ УЛИМИ

### 1

Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан  
Тарқалар бир маъюс ва ғамгин сазо.  
Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,  
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.

### 2

Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан  
Қанча дод қилсангу қанча шикоят,  
Қанча ёлворсанг, қанча тўксанг ёш,  
Барибир, аламга бўлмас ниҳоят.

Қанча маъсум бўлсанг, қанча вафодор,  
«Қордай оқ бўлсанг-у, муз қадар тоза»,  
Ҳеч замон қор этмас, шум фалак бадқор.  
Ўқилур севгингга қора жаноза.

Нега керак эди шу чирой, шу ўт.  
Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмоқ?  
Нега лабларингдан ҳусн олди ёқут,  
Нега сийнанг бўлди қор тоғидай оқ?

Ҳусн балосига ким этди дучор?  
Ҳолбуки, бусиз ҳам қанчалар алам,  
Ҳолбуки, бусиз ҳам қизнинг бошида  
Сўнгсиз мусибатлар, дунё-дунё ғам.

Ҳолбуки, бусиз ҳам қийналарди жон,  
Бусиз ҳам етарди фалокат, азоб,

Фақат гўзал эмас, ҳатто хунук қиз  
Кўз очиб кўрарди ёлғиз изтироб.

Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан  
Тарқалар бир маънос ва ғамгин сазо.  
Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,  
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.

Шундайин латофат, шу оқ кўкракка  
Наҳот муносибдир шу ғамгин либос.  
Онани шунинг учун суюнганмиди.  
Наҳотки, шу сифат гўзалликка хос.

Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,  
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!  
Узинг гуноҳқорсан, осийсан беҳад,  
Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?

Ҳали севишмоқдан шумидир маъно?  
Фақат азоб бордир қисматда, наҳот?  
Наҳотки, севгига шудир таманно?  
Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод!..

### 3

Ҳамлет севар эди, унинг қалбини,  
Гўёки икки чўғ, иккита оташ  
Бўлиб ёндирарди кўзинг тун-кун,  
У ҳам қилмас эди бу оташга ғаш.

Ҳамлет юрагига берарди қаёт  
Сенинг у оташин, гулбарг лабларинг,  
Жасур хаёлига боғларди қанот  
Боғидан бир кезиб ўтганинг сенинг.

Фақат нетмак керак, бордир на чора,  
Севгувчи юракни қуршаса бало?

Бутун олам кўзга эса қоронғи,  
Балоларга Ҳамлет эса мубтало?

Шубҳа оташида ёнар тафаккур,  
Дунё бир ғамхона, «Дониё зиндон».  
Йўқдир юракларни ёритгани нур,  
Занжирдадир севги, қафасдадир жон.

Ишқий туғёнларга қайнаб юракдан  
Чиқолмас бир товуш, бир сазо, бир ун,  
Этмишдир ердаги оддий азоблар  
Аллақачонларким Ҳамлетни мажнун.

Ҳосил бўлмас мурод, ҳеч нарса насиб,  
Қанча йиғласанг-у қанча чексанг оҳ;  
Севгувчи йигитни солмишдир йўлга  
Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.

Жаннат, фаришталар, тоза малаклар,  
Бир пулдир энг маъсум ва энг пок ўпиш,  
Дўзах ичра Ҳамлет ёниб алаклар,  
Бутун олам кўринади гўё туш.

#### 4

Кўнгил гулшанини қоплади хазон,  
Йўқолди шунчалик бебаҳо севги.  
Шу бўлди бокира, дунё кўрмаган  
У ёқут лабларнинг қора тақдири.

Севги кўкларига учувчи лочин  
Аршидан йиқилди ва кўҳна дунё —  
Бутун армонларни қул қилган оташ  
Ўзи бўлиб қолди севгига гадо.

1936

## ЖАНУБ КЕЧАСИДА

Сен бўлмасанг, шу оч тўлқинлар  
Кўринмасди сира кўзимга,  
Сен бўлмасанг ўзимнинг кўнглим  
Кирмас эди айтган сўзимга.

Сен бўлмасанг, этмасди хурсанд  
Сув устида сузиб юрган ой.  
Ҳамиша шўх, доимо баланд,  
Юлдуздаги жон ёқар чирой.

Қарашларинг тинчимни олиб,  
Чертиб кетди қалбим торини,  
Шундан кейин сездим юракда  
Шунча кучли ўтнинг борини.

Айтиб бер-чи, шунча севганлар  
Бўлганмикин менча бахтиёр?  
Айтиб бер-чи, қайси қиз бурун  
Севиб бўлган умид билан ёр?

1936

## ХАЁЛИНГ-ЛА УТАДИ ТУНЛАР

Бу бир уйқу, беҳуда бир туш,  
Ахир бу бир алдоқчи рўё,  
Мумкинмидир сенинг севганинг  
Ўз аҳдидан қайтганмиш гўё!

Шу рост эса ўтга тушсин жон,  
Ёмғирдайин бошга тушсин ғам.  
Яшаганим — дунёда ёлғон,  
Қасам ичдим: эмасман одам.

Номард кетай, юракда тугён  
Шу тўлқиндан зарра кам эса,  
Номард кетай, шу оташ юрак  
Сендан бошқа ўзгани деса.

Номард кетай, бўлса юрак тинч  
Ва севгига бўлса ниҳоя.  
Душман бўлсин менга бахт, севинч,  
Ғам булути бошимга соя.

Ўҳарна бўлай, айласам жафо,  
Севинчимни бой бериб қўйсам.  
Ҳарна бўлай, этмасам вафо,  
Сендан бошқа бировни севсам.

Дардларимга топмайин чора,  
Ва дўстга зор, душманларга хор;

Майли, бўлай танҳо овора,  
Мендан қочсин ҳамиша баҳор.

Тўлқин борда тинмаклик йўқдир,  
Қирғоқларга тегмакдир одат.  
Билармисан, севган кишига  
Содиқ бўлмоқ ўзи саодат.

Кеча-кундуз юлдузлар нотинч,  
Дам олишни билмас тўлқинлар...  
Сени ўйлаш ўзи бир севинч,  
Хаёлинг-ла ўтади тунлар...

1936

Тоғда юрар оҳу бир жувон,  
Сочимни тарайди шаббода,  
Менга бугун яқиндир осмон:  
Булутилардан теппамда пода.

Қашқа тоғнинг ярқираб қори,  
Ёнбағрида худди чумоли,—  
Урмалайман ва борган сари  
Очилади бу ҳолнинг фоли:

Бунда гулнинг энг асллари,  
Бахмал гилам, алвон поёндоз,  
Табиатнинг бор фасллари:  
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз.

Қояларда асрлик достон,  
Дараларда оппоқ, мангу қор,  
Чўққиларда оташ саратон,  
Ёнбағирлар бинафша баҳор.

Гўзалликда туганмас булоқ,  
Шамолда ўйнайди шалола,  
Баҳор юрар кўчиб тоғма-тоғ,  
Қўлларида лола пиёла.

Йўлларимда зангори кўллар,  
Ойна каби тиниқ ва бежон,  
Мен умримда кўрмаган гуллар..  
Ном қўйишда ожиздир инсон.

Бу гўзалдир, бу ажиб бир ҳол,  
Ҳам ваҳшийдир, ҳамда осуда.  
Бўлмасинми шоир тили лол  
Шамол учиб ўйнаса сувда?

Болалигим тутди ва бир бор,  
Булоқ узра ётдим узаниб,  
Ва санъатга бермасдан озор  
Ҳовуч-ҳовуч сув ичдим қониб.

1936

Кеча. Сахро. Уйқу ва шовқин.  
Кеча чўккан узоқ уфққа.  
Теразадан тўниб қарайман,  
Кўзим чўмиб қоронғиликка.

Теразадан тўниб қарайман,  
Уйқу босган сўнгиз саҳрони,  
Уйқуда ер, уйқуда осмон,  
Кўринмайдир юлдуз нишони.

Бошламишдир ўз ҳаётини  
Саҳронинг устига чўкиб тун,  
Жимжитдир ўйланиб ётгандай,  
Кундузини этганди якун.

Сахро ётар сўнгиз, теп-текис,  
Сахро ётар ажиб туш кўриб.  
Ундан ўтар тинмай поездлар,  
Ўтар оташ юраги уриб.

Поезд чопар, масофаларни  
Қамраб босар оёқ остига,  
Довонлардан, қирлардан ошар.  
Тоғликларнинг тушар ҳасдига.

Поезд ўтар тунни оралаб,  
Қушдай учар, учар беҳатар,  
Поезд ўтар қардош халқларнинг  
Дўстлигидан берарак хабар.

1936

## ҲОЛБУКИ, ТУН...

Шағирлайди бетиним дарё,  
Шағирлайди ваҳм тўлган жар,  
Шағирлайди қоронғи дунё,  
Шағирлайди водий, даралар.

Шағирлайди... Бермайди уйқу,  
Хаёлларим бўлар паришон,  
Бир изланиш бошланар менда  
Тушунчамга яна кирар жон.

Ҳолбуки, тун — бунда одатда,  
Бутун борлиқ ухлардай сокин,  
Бутун ер осмонга ўраниб  
Олар каби кундузидан тин...

Сойга тушдим, кўкда чиқди ой,  
Нур ёғилди оқ булутларга.  
Нурга тўлди дара, тўлди сой,  
Нур ёғилди қоронғи жарга.

Кезар эдим, мени тинмайин  
Таъкиб этар бир узун соя,  
Билмадимким, бормидир иши,  
Ё истарми айтмоқ ҳикоя.

Кўзларимда ёнар учқунлар,  
Зилол сувга ой эди сирдош,

Ялтигарди, доим товланар,  
Ой нурига чўмилувчи тош.

Кўзни тикдим, парқув булутлар,  
Кўчар эди зилол ва тоза.  
Лочин каби самолёт учар,  
Учар эди солиб овоза.

Тикилганди кўзим қоғозга,  
Қўлларимда югурар қалам.  
Қуршамишди уни ҳаяжон,  
Бир интилиш, бир орзу бу дам.

Шағирларди осмон ва ҳаво.  
Шағирларди бутун коинот,  
Шағирларди бетиним дарё,  
Шағирларди дарёда ҳаёт...  
Ҳолбуки, тун...

1936

## ХАЁЛИМДА БЎЛДИНГ УЗУН КУН...

Хаёлимда бўлдинг узун кун,  
Сени излаб қирғоққа бордим.  
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,  
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.

Ишон бунда, сени доимо  
Эсга солар чиройли тунлар,  
Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,  
Эсга солур бахтиёр кунлар.

Толеимнинг ошиноси сен,  
Сен севгимнинг кўкарган боғи.  
Сенинг билан бирга иқболим,  
Ишончимнинг сен вафо тоғи.

Мени қуршар салқин бир ҳаво,  
Сув устидан тун қуюлади.  
Шунда қанча-қанча гапларни  
Эсга солиб ой ҳам тўлади.

Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар  
Пишқиради билмай тинимни.  
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,  
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?..

1936

## ИШИМ БОРДИР ЎША ОҲУДА

*(Илҳом парисиға)*

Ишим бордир ўша оҳуда,  
У менга кўринар ҳар замон,  
Фикримни чулғайди беомон,  
Ўтларга ташлайди ҳўп ёмон,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

У кўринар сойдаги сувада,  
Бир паридир тоза, осуда...  
Қоялардан учар бемалол,  
Қушлар кўрса титраб қолар пол,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Тунда ухламадим ахтариб,  
Кутиб турдим булоққа бориб,  
У-чи? Қоқиб ўтди қанотин,  
Оқ булутлар бағрини ёриб,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

У юрганда очилар гуллар,  
Бахмалга бурканар баҳори чўллар,  
У бор ерда жонланар ҳаёт,  
Уни кўрса чайқалур кўллар,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Ўлкасидан ўтар шаббода,  
Севинч билан тўлуғдир жоми:  
Ўзалларга у тутар бода,

Қўрса келар пари илҳоми,—  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Қўшиғини тинглар Қашқа тоғ,  
Оғушида мангудир баҳор,  
Чиройида зарра йўқдир доғ,  
Даласида ёзда ухлар қор,—  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Мен ҳалок этарман ўзимни.  
Тинчланмасман, топмай қўймайин,  
Шикоятим, дардим, арзимни,  
Қулоғига сўйларман майин,—  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз менинг тинчим йўқолур,  
Усиз юрак қолғусиз қолур,  
Усиз эсдан чиқар одатим,  
Унутилар бор саодатим,—  
Ишим бордир ўша оҳуда.

1936

## ҚОРА ДЕНГИЗ БҮЙИДА

(Ёғин эртаси)

Букун кун бўлади: тоғ тепасида,  
Япроқлар ялтираб турибди,  
Юлдуз йўлга чиқиб саҳарда,  
Келаётган кунни кўрибди.

Букун кун бўлади: хурмо баргларин  
Силкитмоқда ёнгил шаббода,  
Букун кун бўлади: равшан ва бедоғ,  
Ғубор йўқдир зарра ҳавода.

Букун кун бўлади: денгиз чайқалар,  
Тўлқинларда сира йўқ тиним.  
Сув бўйида туриб интизор,  
Кун йўлига тикиламан жим.

Кунга бўлган ишқим, қуёшга  
Топинганлар ишқидан буюк.  
Кун бўлади: мармар ва зилол,  
Кўринади поёни йўқ кўк.

1936

## МИЗИМТА ДАРЁСИ

Узоқ кетдим Мизимта бўйлаб,  
Дарё менинг ҳамроҳим бўлди.  
Узоқ кетдим ва чанқоқ қалбим  
Дарё айтган қўшиққа тўлди.

Инжудайин оқарди зилол,  
Водийларнинг бу гул чиройи,  
Тиниқликнинг мангу тимсоли,  
Дараларнинг бу гўзал ойи.

Бу фируза, эриган мрамор,  
Бу ялтироқ, сўнгги йўқ симоб,  
Синар эди устида чил-чил,  
Қўқда туриб ёнувчи офтоб.

Тошқин эди, пок ва мулойим,  
Тиним билмас, мангу зангори,  
Равон, маъсум, гўзал ва доим  
Бокиралик бўлмишдир ори.

Кўринарди юксак тоғларнинг  
Булутларга ранг берган қори,  
Оқар эди дара, сойларнинг  
Қизлигини сақлаган ёри...

1936

## СОҒИНГАНДА

Кабутардек юрак уринар,  
Неча кундир сенсиз яшади.  
Мана, кўрким, энди ҳар нафас  
Вужудимда ўт туташади.

Неча кундир йўқолди тинчим  
Ва уйқуга этдим алвидо,  
Неча кунлар, неча соатлар  
Хаёлингга айладим фидо.

Ўтар экан тунлар ва кунлар,  
Айрилиқда ахтариб висол  
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан  
Кезар экан паришон ва лол.

Борлиғимни исмингни айтиб  
Чулғаб олар бир гўзал хаёл  
Ўша жилва ва ўша оташ,  
Ўша кўзки сузгун, хаёлкаш,  
Ўша имо, ўша ишора  
Эта бошлар юракни пора.

1936

## УРИК ГУЛЛАГАНДА

Теразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини,  
Ва шаббода қургур илк сахар  
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.  
Қанча тиришсам ҳам у беор  
Еллар мени алдаб кетади.

Майли, дейман ва қилмайман ғаш,  
Хаёлимни гулга ўрайман;  
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,  
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб-сийпалаб,  
Бахтинг бор, деб эсади еллар.  
Этган каби гўё бир талаб,  
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар,  
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,  
Мен юрганда боғларга тўлар  
Фақат бахтни мактаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сиққанича ол,  
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,  
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб  
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.  
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб  
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Теразамнинг олдида бир туп.  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

1937

Муҳит узра қанотингни ёз,  
Оқ қушларнинг ўлкасида юр.  
Даста-даста гуллар келтирсин,  
Шўх ва қувноқ дўстларга буюр.

Уфқларда сайр этгин мудом,  
Қуёш келиб сувга чўкканда...  
Ой, булутлар орасидан шом  
Этак-этак шуъла тўкканда...

Тўшаб алвон-алвон гиламлар,  
Сенинг билан яшнасин баҳор,  
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,  
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.

Сени кўрса очилсин гуллар,  
Сени кўрса ёнсин булбуллар.  
Сени кўрган бари топсин жон,  
Сен юрган ер кўрмасин хазон,

1937

## БУТУН ОЛАМ БИР ОППОҚ, СИЙНА

Хайрлашди... Ҷзида йўқ шод,  
Сув бўйига келиб ўлтирди,  
Кўкка кўкрак кўтариб кушод  
Ой қўйнида ўзини кўрди.

Кўзи ойдан дарёга қочди,  
Сўйламоқчи эди ҳикоя,  
Сувга қарб лабини очди  
Ва кўринди жилвагар соя...

Дарё худди зилол ойна,  
Тасвири бир қиз бўлган эди:  
Бутун олам — бир оппоқ сийна,  
Икки қора кўз бўлган эди.

У жим бўлди, бир лаҳза бетин,  
Ихтиёрин қўлига олди,  
Сўйламоқчи... ва ундан олдин  
Соя туриб сўз бошлаб қолди.

Ойнага тикиб кўзини,  
Ғаниб қолди гўзал ўзини,  
Ўзи эди сувда уринган,  
Ўзи эди ойда кўринган.

Уялди-ю ҳеч гап айтмайин,  
Уйга қараб секин қўзғалди.  
Сув бўйида, ойдинда, майин  
Битта шойи рўмолча қолди.

:937

## ТУННИ ИЗЛАШ

Ун беш кунга тўлганида ой  
Кўкка чиқиб тунни ахтарди,  
Орқасидан баланд осмонда  
Олам-олам юлдузлар борди.

Тундан ҳеч бир асар чиқмади,  
То ботгунча қилса ҳам тинтув...  
Дунё ёруғ эди ва ҳатто  
Ялтирарди сойда қора сув...

Тополмасдан ой тунни, охир  
Ўзи ботди. Юлдузлар бир-бир  
Учиб ўтди ва ортиқ қуёш  
Билан энди ялтирарди ер...

1937

## **ДАРЁ ТИНИҚ, ОСМОН БЕҒУБОР**

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал  
Кўринади менинг кўзимга.  
Водийларга қуёш тўккан ҳал,  
Шунинг учун сархат сўзимга.

Айбим йўқдир, гул водийларда  
Бадбинларни хушлай олмасам.  
Кўкка қараб туриб саҳарда  
Шод ўтарман, деб ичсам қасам.

Оппоқ қордир тоғларнинг тоши,  
Дарё тиниқ, осмон беғубор,  
Шу ердадир ўлканинг боши,  
Сув бўйида менинг уйим бор...

Бу ўлкада қалбларнинг тоза  
Ва поклари келиб учрашлар,  
Одам топган бахтни овоза  
Қилиб гуллар, булбуллар яшаҳ.

**1937**

## УЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ  
Ватаним деб сечи, уйғондим,  
Одам бахти биргина сенда  
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда  
Қумлик каби ташна боқурман,  
Сенинг жаннат водийларингдан  
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас  
Кўзда ёши билан кулганлар,  
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт  
Лекин, юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,  
Қайга десанг қайтмай кетурман,  
Кўзларимни юммасман асло —  
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

1937

\* \* \*

Кечир мени, нозли малагим,  
Сени мақтай олмасим тайин.  
Сенга шунча чирой берган ким?  
Айтиб бергин, уни мақтайин!

1937

Севги десам, фақат сен десам,  
Сенинг билан яшаса қалбим;  
Сен десам-у, бутун дунёнинг  
Шўришига қулоқ солсам жим...

Қуюн каби айланар бошим,  
Қарайман-у, кўзим тинади  
Ва жилвангдан кўнгил кўзгуси  
Парча-парча бўлиб синади.

Шу қарашга борми ниҳоя,  
Бўларманми мақсадга восил?  
Топарманми бир янги ғоя,  
Бўлармикин бир мурод ҳосил?

Топиларми унда бир чора,  
Агар мени қуршаса жунун:  
Бўлиб қолса сирым ошкора,  
Атасалар номимни Мажнун?

1937

Толеим шулким, Ватанда бир гулистон танладим,  
Бахтни топган эл билан жондош бўлиб отдим одим,  
Йўлдан озганларга ҳеч бир бўлмадим мен  
қайғудош,  
Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиш  
қуёш,  
Шул сабабданким, Ватанда бўлмадим илҳоми хор,  
Шул сабабдан менга ётдир бахт талоф этган диёр.

1937

## САВОЛ

Кийинтирсам сени баҳорга,  
Юлдузларни ўрасам қорга,  
Олиб келиб олдингга қўйсам,  
Ҳам юлдузни, ҳам сени суйсам;  
То тонггача сўйласам эртақ,  
Чечак териб этак ва этак  
Оёғингга келтириб тўксам,  
Сени мақтаб, ағёрни сўксам —  
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?..  
Айтганларинг бажо бўлурми?..

1937

Тинимсиздир ёлғиз шаббода,  
Майсаларнинг сочи силкинар,  
Мана, ҳозир чирқираб турган  
Паррандалар, қушлар ҳам тинар...

Ҳамма ухлар ва фақат тунни  
Менинг ўзим қарши олурман,  
Қарши олур ва тонгга қадар  
Менинг ўзим уйғоқ қолурман.

Қулоғимга секин шивирлаб  
Тун уйқуни ўргатар менга,  
Бўлганмисан тунда саҳрода?  
Бўлмаса, кел, сўйлайин сенга...

1937

Шу кунларда қутб олинди,  
Музлар таслим бўлиб ялинди,  
Москвадан Америкагача  
Тахтиравон бир йўл солинди.

Кўк йўлидир, унда қаноти  
Синмас бўлган лочинлар учар,  
Лочинлари билан ўлка ҳам  
Ерни ташлаб осмонга кўчар.

Қудрати зўр эл учун осмон  
Худди ердай осойиш бўлур,  
Бир неча йил мобайнида кўк  
Одам билан албатта тўлур.

1937

1938

Самарқандда ўлмаган-ку ул?.

Хотиримдан чиқмас ўша кун,  
Хаёлимда жонланар бутун...

Қорда эди бутун бир жаҳон,  
Ётар эди лайлакқор ёғиб,  
Бошларида булут ва осмон  
Турар эди минорлар оғиб.  
Ҳоким эди ер ва кўнда қор,  
Қорда эди мадраса, минор,  
Қорда эди новда-ниҳоллар,  
Қорда эди майдонга қараб  
Чопа-чопа келувчи чоллар.  
Қишлоқлардан боғлар оралаб  
Келувчилар усти қор эди.  
Ҳали чиммат ичра мўралаб  
Елувчилар усти қор эди.  
Зўр талвааса юртнинг барида.  
Бир қайгу бор ёшу қарида.  
Одам кимни йўқотди экан?  
Кимга экан бу оғир мотам?  
Ким бағрига ўқ отди экан?  
Қайдан келди бунча буюк ғам?  
Одамизод қайғурар кимга?  
Бу азанинг қаҳрамони ким?  
Келганмиди дардларга эмга?  
Вафот бўлган қайси бир ҳаким?  
Одам билан зўр майдон тўла:

Бунда борди фаранг, амирон,  
Узбек, қозоқ, хитой ҳам бунда,  
Бунда эди рус, афғон, юнон,—  
Ҳаммасининг боши эгилган,  
Ҳаммасига зўр мотам келган:  
Ҳаммасида, ҳаммасида ғам,  
Ҳаммасининг юзида мотам.

Зўр таажжуб ичида бир чол  
Ўз ўғлидан қиларди савол:  
Ким ҳам бўлди бу одам, ўғил?  
Бутун бир юрт кимни кўмамиз?  
Самарқандда ўлмаган-ку ул?  
Кўрмаган-ку бизнинг халқимиз?  
Нега барча дийдасида ғам?  
Кўча-кўйни эл босди тоза,  
Ҳатто Темур ўлганида ҳам  
Бўлмагандир бундай жаноза!

Ленин ўлган. Ундай одамни  
Кекса дунё бир кўрди, холос!  
Тарих билмас бундай бир дамни,  
Бундай мотам бўлмагани рост.  
Кўп эскидир олам ва унда  
Кўп буюклар ўтгандир, бироқ,  
Бироқ Ленин тарих сўнгинда  
Буюклардан чиқди буюкроқ.  
Кўз илғамас қоп-қора тунда  
Ўқиб чиқди олам китобин,  
Ва тинглади қамоқ, сургунда  
Ҳар бир очнинг қилган хитобин.  
Марксдайн зўр бошни топди,  
Ишчилардек йўлдошни топди.  
Бир жанговар элни топди ул,  
Қувладилар сургунга, аммо,

Яна қўзғаб янги муаммо.  
Русияга қараб чопди ул.  
Минг йилларни қийнаган жумбоқ,  
Унинг ақли билан топилди:  
Чирик, қонхўр тузумнинг шу чоқ  
Эшиклари тақ-тақ ёпилди.  
Хароб бўлган, хор бир дунёни  
Бўронлардан олиб ўтди ул,  
Зулмга қарши қўзғалди қони,  
Бир ўт ёқиб шу он этди кул.  
Йўлга солди ўзи бўлиб бош  
Ва одамга бахт берди ўша,  
Очларга нон, кийим, усти бош,  
Ерсизларга ерни ҳамиша.  
Буюк эди... жаҳонгир Чингиз  
Тирноғига арзимас унинг.  
Ўша оқсоқ Темур, шубҳасиз,  
Қаршисида тупроқ билан тенг.  
Улуғ Пётр, Наполеонлар  
Денгиздан бир томчидир, холос,  
Буюк фотиҳ бўлган Искандар  
Чавандозга қамчидир, холос.  
Инсонга ўт ўғирлаб берган  
Прометей бўлганда ҳаёт,  
Бутун тани бўлса ҳам кишан,  
Уни кўриб ёзарди қанот.  
Агар худо бўлган тақдирда  
Айтганига қулоқ соларди.  
Орқасидан судралиб ерда  
Ҳар кун минг-минг сабоқ оларди.  
Ана ўша солди бу ғамни.  
Ана шуни олди — бу ўлим.  
Ленин кетди, бутун оламни  
Қайғуларга солди бу ўлим...  
Ҳар қанчалик мотам унга оз,  
Олам-олам ғам ҳам унга оз...

Қайғу бордир эл қарашида,  
Қайғу бордир зўр йўлбошчидан  
Жудо бўлган элнинг бошида.  
Денгиз каби чайқалар майдон,  
Денгиз каби оғир ҳансирар.  
Тўлқинлардай тинимсиздир жон,  
Тўлқин каби юраклар урар.  
Қор қуюлар тинмасдан ҳамон,  
Қуюлар у кўп, бениҳоя,  
Бошлар узра булут ва осмон  
Солмиш эди оғир бир соя.  
Оғир эди қалблардаги зор,  
Қуюларди бамисоли қор.

Хаёлимда жонланар бутун,  
Хотиримдан чиқмай ўша кун...

## **ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНУР СЕНГА**

Келтиради рашкимни доим  
Гулга қўнган асаларилар,  
Аллақандай туюлар менга  
Яшарувчи хушбахт қарилар.

Агар,— дейлар,— кўнгил ёш эса  
Оқ соч ўзи бир ҳусн бўлур,  
Кўкраккача тушган оқ соқол  
Кўзларингга нурдай кўринур.

Дунё гўзал кўринур сенга,  
Ўзи қанча эски бўлса ҳам,  
Яшараркан бутун табиат  
Ўз эгаси қўйганда қадам.

1937

Розимасман бир ёш томса кўзимдан,  
Розимасман сал ранг кетса юзимдан,  
Йўл ошсам-у, сал яшашдан адашсам,  
Розимасман унда тамом ўзимдан.

Боғим бор-у, гулзоримда гулим кўп,  
Ҳар ёқда гул, шохларда булбулим кўп.  
Мен кўрмаган гулзор қолмас жаҳонда,  
Гулзорларга бахтим берган йўлим кўп.

**1937**

## **СУЛМОҚ БУЛМАС ЭЛ БАҲОРИДА!**

Дунёларни тикка қўпормоқ  
Ути агар бўлса орида,  
Ёвларини айласа тупроқ,  
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида!

1937

## ЖАВОБ

«Ўлтирасан нега доим жим?»  
Дея яна бошладинг ҳужум.  
Билгилки, жим ўлтирганимда  
Оташ пайдо бўлур танимда.  
Ҳамсўҳбатим бўлганда хаёл  
Жим қоламан, гап келур малол:  
Дунё-дунё ўй ва тушунча  
Бамисоли турнадай уча —  
Уча ўтар осмонларимдан,  
Ерга тушиб тутар баримдан.  
Сўнгра қўниб хаёл қўлига,  
Беихтиёр бошлар йўлига.  
Жим ўлтириб кўзим тўнади,  
Жим ўлтириб фикрим унади...

1937

## ДҶУМБИРАНИНГ МАҚТОВИ

*Абдулла шоирга*

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондан,  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.  
Сен қўлимда, кезиб ўтдим жаҳондан,  
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Сендан ҳеч бир мумкин эмас совушим,  
Сен тоғларда кезган чориқ ковушим,  
Сенинг билан баланд бўлди товушим.  
Билагимнинг зўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан, билинмас тўқ ва очим,  
Сен бўлмасанг, парвоз этмас қулочим,  
Сенсиз экан доим ёзиғдир сочим,  
Қўллимда чўри бўлган дўмбирам.

Гулзоримда сен — булбулим Ҳалима,  
Соғинганда юрагим қийма-қийма,  
Сен бўлмасанг бағрим бир қонли кема,  
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Айланса-да рангим сариқ сомонга,  
Сени чалдим, хор бўлмадим ёмонга,  
Қариганда етдим яхши замонга,  
Ёвларимга бўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан, ҳар иш келар қўлимдан,  
Сен бор экан, ҳайиқмасман ўлимдан,

Минг ўргилиб толе топган элимдан,  
Утирганда сўри бўлган дўмбирам.

Сенинг билан сўз бермадим ман ёвга,  
Сенинг билан бирга бордим ҳар овга,  
Сен динғиллаб олиб бординг Москвага,  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.

Ҳурмат билан сени қўлга олурман,  
Минг яшариб чертиб-чертиб чалурман,  
Ҳали яна Москвага борурман,  
Гулзоримнинг ҳури бўлган дўмбирам.

Сен нур тўла менинг ойли тунимсан,  
Сен омборда қоплаб қўйган унимсан,  
Сен колхозда топган ёруғ кунимсан.  
Душманимнинг гўри бўлган дўмбирам.

1937

## БАХТ ТУҒРИСИДА

Ҳар кимга бир «нони насиба»—  
Паррандалар ўз ҳаққин тилар,  
Кўпни кўрган қари дунёда  
Бахт ахтариб кўплар ўтдилар.

Кўплар ўтди, кўпгина одам.  
Таний олди дўзахни, ўтни,  
Дунё деди, кўзни очди-ю  
Лекин кўрди фақат тобутни.

Шодлик истар эди барчаси,  
Лекин келиб қучарди мотам,  
Хурсандликка зор дийдаларда  
«Шодлик мен» деб кулар эди ғам.

Бахт ахтарар ва қора тақдир  
Мазох билан қилар ҳақорат,  
Дунё-дунё армон ва орзу  
Ғадойликда бўларди ғорат.

Мотам ва зор, азоб ва қайғу  
Ғадойликнинг кўҳна йўлдоши,  
Инсон қалби устида ётар  
Асрларнинг муҳтожлик тоши.

Бахт топилмас ҳеч бир замонда  
Эл қул бўлса, бўлса яланғоч,  
Ўканнатларни яратган одам  
Ҳақиқатда ўзи қолса оч.

Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,  
Бахтни топган элни кўролдим,  
Асрларнинг қайғусин қарғаб,  
Шодлик ва бахт куйини чалдим.

Элим яшар осойиш ва шод,  
Ўлкам ўзи янги бир жаҳон,—  
Ўзбекистон номли бир жаннат  
Боғларида ором олар жон.

Бахт қайнайди соф булоқларда,  
Дамларимиз ўтар беозор,  
Шаҳарларда, боғлар, тоғларда,  
Элни қучган мангу бир баҳор.

1937

Эсини таниди ва кўҳна дунё  
Унинг юрагига чангал ташлади:  
Ердаги аламлар, қайғулар, ғамлар,  
Фарёдлар ўтида ёна бошлади.

Дунёвий азоблар ёндирди қалбин,  
Омонсиз ёв бўлди, золим фалакка,  
Итоатсиз бўлди, исёнкор, бедин,  
Фақат ғариб қолди, ўртанди якка...

Юз ўгирди сарой, кошоналардан,  
Тарихий жумбоқни шундай этди ҳал:  
Аҳли киборлардан, подшолардан  
Ўғри деб ном олган Пугачёв афзал.

Буюк дарё каби оқизиб ўтди  
Пойтахт остида битганлар бошин,  
Бутун Русиянинг зори, фиғони,  
Банди деҳқонларнинг аламли ёшин.

Болаларга пешвоз тутди у жонни,  
Бир оташ ёнарди жўшқин қонида,  
Дўзах Русияда топди хазонни,  
Куйиб адо бўлди ғам тўфонида.

Факат, ўлгунгача таслим бўлмади,  
Сўнгги соатгача бўлди қувғинда,

Ишрат шами эмас, ўшанинг дарди  
Ватанни ёритар қоп-қора тунда.

Фақат шу берарди дийдаларга нур,  
Фақат шу қиларди дилларни равшан.  
Ўша қувғин, ўша сургундаги хур —  
Бўлмаса тоза ҳам хор эди ватан.

Жануб қўёшига қайнаган кунда  
Буюк Эльбурснинг ярқирар қори...  
Подшодан узок, оғир сургунда  
Тўлишарди рус шеърининг баҳори...

### 3

Русия, Русия, шўрли Русия,  
Аянч хўжаларнинг қашшоқ ўлкаси!  
Қашшоқ хўжаларнинг юрти Русия,  
Қалбингда икки бош қузғун кўлкаси!

Русия, Русия, сўнгги йўқ тупроқ,  
Эй, буюк вайрона, эй кафангадо!  
Энг яхши фарзандинг этилмишдир оқ,  
Эй, бало тутқуни, кулфатда адо!

### 4

Ерга йиқилди-ю тортди бир фарёд,  
Чунки юрагига бир яшин тушди:  
Бутун Русияни емирган жаллод  
Дантес либосида келиб отишди.

Шундай якун топди фоже муаммо:  
Ажал очиб келди унга кенг қулоч,  
Оппоқ қор қон эди... ва шоир аммо,  
Мозор Русияда қабрга муҳтож...

Арава ғижирлар тунда, похол-хас,  
Хашаклар ичига тобут кўмилган:  
— Бу ўзи нима гап?  
— Ҳеч нарса эмас,  
Пушкин деб аталган биттаси ўлган...

5

У яширин кўмилди. Ўз азобида  
Ўлка осмонини зўр мотам тутди  
Ва бутун рус халқи ўз юрагида  
Шу буюк тобутни кўтариб ўтди.

1937

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,  
Сен очилдинг кўнгил боғимда.  
Шунда кўрди кўзим баҳорни,  
Шунда қалбим таниди ёрни.  
Қушлар сайрар жонимга пайваст,  
Мен севгининг бўйи билан маст.  
Кўни билан далада қолдим,  
Лолазорлар ичра йўқолдим.  
Қучоқ-қучоқ гуллар терганим  
Ва келтириб сенга берганим  
Кечагидай ҳамон эсимда,  
Ҳар сония, ҳар он эсимда.  
Шундан бери тилимда отинг,  
Шундан бери дилимда отинг.

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,  
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

1937

## Ҳ О Л

Қайдан келдинг, фикримни бўлдинг,  
Нега этдинг мени паришон?  
Нега буздинг мунис ҳолимни,  
Ўйларимни нечун бемакон?

Эҳтирослар, ҳислар, ёнишлар,  
Ўлкасини кезарди хаёл,  
Ҳоким эди менинг руҳимда  
Шундай латиф илҳомий бир ҳол.

Бир кичик тор, бир ёниқ парда,  
Қанча гапни айтиб берарди...  
Онасидан ўрганганини  
Чумчуқ чувлаб қайтиб берарди...

Тиккан эдим қалб қулогини  
Ва фикримга берган эди жон,  
Чивин учса келарди малол,  
Шунга эди садоқат, имон.

Халал берма, озроқ қўйиб тур.  
Тамом қилай шу гул суратни,  
Қўйгил мени, юракнинг қони  
Билан тортай энг сўнгги хатни.

1937

## ШОДЛИКНИ КУЙЛАГАНИМНИНГ САБАБИ

Шоирларни кўп ўқиб чиқдим,  
Билмаганим қолди жуда кам.  
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,  
Кўравериб ҳаммасида ғам.

Фузулийни олдим қўлимга,  
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди.  
Ва Навоий тушиб йўлимга,  
Фарёд билан ўрнидан турди.

Лермонтовни ташламадим ҳеч,  
Ахир қўйиб, олдим Ҳофизни.  
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч  
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол,  
Жавобини келтирди Хайём:  
«Чунки ғамга ошинадир ҳол,  
Қайғу билан тўлиғдир айём».

.....  
Ўйладим-у, узоқ қолдим жим,  
Сўнгра савол қилдим ўзимдан,  
Дарё каби тошиб севинчим,  
Ёш тирқираб келди кўзимдан.

Шодлик йўлга бошлади мени,  
Бахтиёрлик бўлди одатим,  
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни  
Куйламаклик зўр саодатим.

Чунки элим қайғуни билмас.  
Чунки йўқдир Ватанда мотам,  
Озод халқим бошига келмас  
Энди сира мусибат ва ғам.

Шунинг учун шодман бир умр,  
Шунинг учун шодлик ҳамдамим,  
Ҳар кун ортар кўзларимда нур,  
Шунинг учун йўқ асло ғамим.

Мен биламан душманим кимлар,  
Сергак бўлиб боқдим йўлимга,  
Чунки, халқим, барча тилсимлар  
Калитини берди қўлимга.

1938

## ГОРЬКИЙ ҲАҚИДА

1

Қолмиш эди ҳаёт тубинда  
Русияни қуршаганда тун,  
Бола экан ҳар чеккан жафо  
Унга бўлди бир дорилфунун.  
Унга бўлди муҳтож, яланғоч  
Русиянинг сирлари аён,  
Жангга кирди, унда ҳар бир оч  
Қайғусини айлади баён.

2

Бир асрлик Русияни у  
Елкасига кўтарди дадил,  
Кўтарди ул, кўтарди мангу,  
Буюк эди бу одамда дил.  
Умр бўйи эл билан бўлди,  
Гўдак экан уни кўрди хор,  
Ўлмай туриб яна туғилди,  
Бўлганида халқи бахтиёр.  
Буюк эди, ҳаттоки тошлар  
Куйлаганда сеза олурди.  
Ҳайратидан кўзида ёшлар,  
Тоғлар каби жимжит қолурди.

3

Ростғўй эди бу улўғ падар,  
Ҳақиқатдан асло қайтмади,

Туғилгандан ўлганга қадар,  
Бир сўз бўлсин ёлғон айтмади.  
Юрагида қайнар эди дард,  
Ёвни кўрса ўтдай тошарди,  
Душманидир хоин ва номард,  
Унга нафрат билан яшарди.  
Шунинг учун ололмади тин,  
Заҳар билан кесилди бу тил,  
Тирик экан уйига яширин,  
Олиб келди тобутни қотил,  
Келтирди-ю солди буюк ғам,  
Тилагига етгандек бўлди...  
Шундай кетди бу улўф одам,  
Киприклари секин қуюлди...

Горький кетди, бу оғир ўлим  
Бағримизни бир ўйиб кетди.  
Горький кетди ва лекин у, шум  
Ёвга қарши ўч қўйиб кетди.

1938

## ЎЗБЕКИСТОН

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Чаппар уриб гуллаган боғин,  
Ўпар эдим Ватан тупроғин.  
Одамлардан тинглаб ҳикоя  
Ўсар эди шоирда ғоя.

Дарёлардан куйлаб ўтардим,  
Эртақларга қулоқ тутардим.  
Ҳаммасини тинглардим, аммо  
Ўхшадини топмасдим асло.

\* \* \*

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон,—  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.  
Чиройлидир гўё ёш келин,  
Икки дарё ювар кокилин;  
Қорли тоғлар турар бошида,  
Гул водийлар яшнара қошида.  
Чор атрофда ёйганда гилам,  
Асло йўқдир бундайин кўклам.  
Тоғлардаги қип-қизил лола  
Бўлиб гўё ёқут пиёла,

Булоқлардан узатади сув,  
Эл кўзидан қочади уйқу.  
Далаларда бошланади иш,  
Бошланади ижод ва турмуш.  
Кундан-кунга ўсади пахта,  
Барг чиқади ҳар бир дарахтда,  
Олмазорлар гулин тўкади,  
Мева боғлаб шохин букади.  
Шаҳарларда ишга чиқиб эл,  
Одам билан тўлар Текстиль.  
Ҳаммасининг бир истаги бор,  
Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр,  
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,  
Кўрмаганлар доим хумордир.  
Аму билан Сирдан сув ичган,  
Зарафшонни лойлатиб кечган  
Чавандозлар бордир бу элда.  
Баҳор чоғи пишқирган селда  
Арғумоқлар қўшиғи бордир,—  
Бу шундайин ажиб диёрдир.  
Даласида ўсмас тиканлар,  
Чўлларида чопмас илонлар;  
Қуш учганда куймас қаноти,  
Одам ўтса қуримас зоти;  
Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,  
Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.  
Кулбаларни келиб босмас қум,  
Гўдакларни ютмас оч ўлим.  
Одамга бахт ва толе ёрдир,—  
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди.  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда қушлар топади иқбол,  
Бунда қорнинг тағларида қиш,

Баҳор учун сўйлайди олқиш,  
Бир ўлкаки, ҳуснга бойдир,  
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир,  
Бир парча ўт бўлиб бунда кун  
Пахтасига ишлайди ҳар кун.  
Ботирлари канал қазади,  
Шоирлари ғазал ёзади,  
Кўйчилари ўқийди ялла,  
Жувонлари айтади алла,  
Пазандаси ёпади ширмон,  
Қарилари кутади меҳмон,  
Бу шундайин ажиб диёрдир.  
Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:  
Москвада суянган тоғи,  
Гуржистонда севган ўртоғи —  
Унга ҳусн ва ифтихордир,  
Узоқ Шарқда қўшини бордир,  
Шунинг учун тинчдир ул кўнгил,  
Шунинг учун осойишдир ул.  
Шунинг учун сомонда ётмас,  
Шунинг учун совуқда қотмас.

Ёвларига осмон тутундир,  
Шунинг учун бағри бутундир,  
Шунинг учун ёпинмагай хас,  
Шунинг учун кийинар атлас.

\* \* \*

Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.  
Омон бўлсин оғайнилари,  
Омон бўлсин дўстларнинг бари.  
Доим бўлсин доҳийси омон,  
Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

\* \* \*

Шафтолизор боғларни кўрдим,  
Гул кўкарган тоғларни кўрдим.  
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,  
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

1939

## ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Май тўла косалар солар шовқин,  
Янги йил ўз қучоғига тортар,  
Бормикан шу қадарли қувноқ тун?  
Юрагимда ҳамон ҳавас ортар.

Тушмаса юзга ҳеч ажиндан из,  
Яна бир муддаоки, ҳал бўлса:  
Бахтимиз борҳо ёйиб илдиз,  
Умримиз бир аср тугал бўлса.

Яшнаса бу чаманда дилдорлар,  
Севгида сарғайишни билмасдан.  
Қайғуни кўрмаса гўзал ёрлар,  
Ун гулин бир гули очилмасдан.

Билмаса наслимиз надур қаримоқ,  
Етмаган-ку замон ҳам элликка:  
Тушмасин ҳеч бирорта бўлсин оқ  
Енгилиш билмаган йигитликка.

Кел, эй соқий! Пиёгани тўлдир!  
Йигит умримга Янги йил кирди.  
Шодлигим дўстларимга маълумдир,—  
Йилга йил кирса, элга эл кирди.

Қадрига етмагани бу оннинг,  
Халқ ичинда юзи қаро бўлсин!

Ҳам сафил, ҳамда у мохов била тенг,  
Бутун оламга можаро бўлсин!

Марҳабо, Янги йил, омон келдинг!  
Яхши кунлар кутар яна олдда,  
Қўзимизга жаҳонни кўрсат кенг,  
Қўрайик ҳарна бўлса иқболда.

1940

## ЧИРЧИҚ БҒЙЛАРИДА

Гулшан водийларда чақнайди кўзим,  
Фикрлар дарёдек босиб қилар лол,  
Ўзининг бағридан оққан сувларнинг  
Орқасидан қараб қолгандай Чотқол.

Чирчиқ бғйларида кезаман ҳайрон:  
Кўзимга Аму ҳам, Сир ҳам кўринар.  
Табиат сирини ўргатар менга  
Сувнинг ўйинида бир кимиёгар.

Элнинг ўғиллари, мардлар қошимда.  
Мен суҳбат қиламан олимлар билан;  
Табиатшунослар, ҳикматчи дўстлар,  
Менга ўргатади ажойиб бир фан:

Бирининг қўлида чўлларга ҳаёт,  
Бирининг қўлида дарё товланар;  
Бирининг қўлида семиради ер  
Ва ҳар муз томчида оловлар ёнар.

Бу — Шарқнинг юлдузи — Ўзбекистондир,  
Ўрта асрларнинг Осиёси йўқ.  
Янги дарёларнинг севар ўлкаси,  
Бағри шодимонлик, бахт билан тўлиқ.

Сероб даласида пахта гуркирар,  
Тоғларида олтин, боғларида бол;

Бутун қўшнилари кўзлари унда,  
Шундай бўлмоқликни қилади хаёл.

Қадим Шарқнинг ери ташна, қовжирар —  
Катта Фарғонанинг сувига муҳтож.  
«Мадорим кетибдир, ўғит бер!» дейди  
Чирчиқ азотига термулиб у оч.

Навоий ўтказган ариқлар қурғаб,  
Янги Навоийдан кутмоқдадир сув.  
Чирчиқ бўйларидай кўкарсам деган  
Гиёҳсиз чўлларнинг кўксида орзу.

Ҳеч ажаб эмаским, Шарқнинг деҳқони  
Чирчиқ қурганларни кўргиси келса;  
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,  
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

Мен шарқлик шоирман, кўзнинг ёшлари  
Қўшиқ бўлганини кўрган куним бор,  
Қўшиқ одамларни жангга ташлаган,  
Қўшиқ кўнгиллардан кеткизган ғубор.

Қўшиқ одамларни Ленинга элтган,  
Қўшиқ Сталинни ахтарган йиллар,  
Бу қўшиқ халқларни этган биродар,  
Занжир, кишанлардан қутулган эллар.

Ҳеч ажаб эмаским, Шарқнинг деҳқони  
Чирчиқ қурганларни кўргиси келса;  
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,  
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

Негаким, дардларга даводир бу сув,  
Бу нурлар қилади кўзларни равшан.

Чирчиқлик шоирда бордир бир армон;  
Бутун Шарқни озод кўролсам деган.

Чирчиқ бўйларида ёнар чироқлар,  
Қаршимда зўр дарё очади чирой,  
Қалбимда оқмоқда бир дарё қўшиқ,  
Қор босган тоғларнинг тепасида ой...

1940

## ҒАЛАБА ҚҰШИҒИ

Фашизм — одамзод учун қора доғ келди,  
Қуёш нурига қарши чанг билан тупроғ келди.  
Ўлакса ўстидаги қузғун билан зоғ келди,  
Ёлғиз менинғ Ватаним бахт ўстирар боғ келди.

Кундузни тун деб ўйлаб сарҳадга келди ўғри,  
Кўршапалак охири оташга келди тўғри.  
Тушар доим эсимга — ўзбек мақолидир бу:  
Ким аввал мушт кўтарса, албатта, қўрқоқ келди.

Гитлернинг ичда қилган қарғишини билардик,  
Ер тагида илоннинг изғишини билардик;  
Гофил деб ўйламасин, ҳар ишини билардик,  
Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди.

Душманнинг тепасида ёзиб пўлат қулочин,  
Калхат билан олишгай осмонда зўр лочин.  
Тарихнинг ҳукмидир бу: бизникидир зафар чин,  
Қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди.

Ҳозир бўлсин фашизм ер тагида чиришга,  
Мана биз кўкка учдик, тепасида қиришга,  
Одамзод гуноҳимиз, қойил қолсин бу ишга,  
Душманларни ер билан яксон қилар чоғ келди.

1941

## ҚҰЛИНГГА ҚҰРОЛ ОЛ!

Ҳаёт қайнаб тонг туманида,  
Кўз илғамас эл ўрмонида,  
Зўр ўлканинг қайноқ қонида  
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол:  
Қўлингга қуrol

ол!

Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,  
Ўссин десанг боғимда узум,  
Умид билан ўстирган қизим  
Десанг агар бўлмасин увол:  
Қўлингга қуrol

ол!

Бўлсин десанг дунё сенга кенг,  
Қолсин десанг қўлингда эркинг,  
Бўлай десанг сен одамга тенг,  
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол:  
Қўлингга қуrol

ол!

Олай десанг фашистдан қасос,  
Қўлингга ол қилич ва олмос,  
Яғринингга винтовкани ос!  
Қолмай десанг айтишганда лол:  
Қўлингга қуrol

ол!

Юрса агар томирда қонинг,  
Азиз бўлса бир парча нонинг,  
Керак бўлса номус, виждонинг,  
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:  
Қўлингга қурол

ол!

Жон юртингга босиб келган ёв,  
Тоғларингда қилолмасдан ов,  
Сен қувганда пиёда, яёв  
Қочсин десанг гўё қорамол:  
Қўлингга қурол

ол!

1941

•

## ЙИГИТЛАРНИ ФРОНТГА ЖЌНАТИШ

Поезд тайёр жўнамоққа,  
Вокзал тўла йигитга:  
Она букун узатади  
Ўз ўғлини фронтга.

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,  
Хайр, кўзим қораси,  
Билким, жангда билинади  
Мард йигитнинг сараси.

Бола экан тиш чиқардим,  
Ёвларни тишласин, деб  
Тоғдай оғир билак бердим,  
Душманни муштласин, деб.

Яна икки кўз ҳам бердим  
Ёв келганда кўргани,  
Оёқ бердим лозим келса,  
Ёв устига юргани.

Ақл бердим, ёв босганда  
Енгишга йўл топсин, деб.  
От ҳам боқдим, маврид келса,  
Жангга миниб чопсин, деб.

Мана букун буюк халқинг,  
Сени чақирди жангга:

Фашист деган бир аждаҳо  
Ёв келибди Ватанга.

Ленин ота номини айт.  
Болам, мард бўл, жангга кир,  
Душманни қув элимиздан,  
Кетидан елдай югур.

Кўкдан келса, қилич билан  
Оёғини қирқиб ол;  
Ердан чиқса, қўндоқ билан  
Аблаҳнинг бошига сол.

Ҳамла қилса, гавдасини  
Танк билан мажақлаб ўт,  
Кўкка чиқиб ўлим ёғдир,  
Қолсин бегўр, бетобут.

Ҳужум чоғи чекинма ҳеч,  
Тулкини шер бўлиб бос.  
Тирноқ билан бағрини йирт,  
Қўлингни дор қилиб ос.

Агар жангда иш бермасанг,  
Олмасанг ботир деб ном,  
Гитлери енгиб қайтмасанг  
Берган сутларим ҳаром.

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,  
Хайр, кўзим қораси.  
Билким, жангда билинади  
Мард йигитнинг сараси.

Йигит қасамёд қилади  
Милтиқни олиб қўлга,

Паровоз ҳам қичқиради,  
Поезд тушади йўлга.

Она йўлга тикилади:  
«Болам, йўлинг бўлсин оқ...»  
Поезд кўздан йўқолгунча  
Тикилади у узоқ,

1941

\* \* \*

Йигирма иккинчи июнь саҳари  
Чиқмас кишиликнинг асло ёдидан.  
Қочиб қутулолмас ҳеч фашист ҳали  
Маъсум гўдакларнинг аччиқ додидан.

1942

## СЕВГИ

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,  
Дедингки: «Эсдалик бўлсин, буни ол...»  
Узимни йўқотдим, не дединг менга?  
Тутганинг гулмиди ва ёким хаёл?

«Бутун ёшлигимиз жангдадир букун,  
Жангда ечилмоқда севги қисмати.  
Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар,  
Ҳавода учади маҳбублар хати.

Агарда қайтмасам шу мендан ёдгор»,—  
Дединг-да, кўринди кўзларингда нам.  
«Агар севар бўлсанг, унутма зинҳор...»,  
Узун киприкларинг устида шабнам.

Менга не керакдир бу ёлғиз қолиш?  
Сенсиз ололмасман асло мен нафас.  
Ўлимдан оғирдир сендан ажралиш,  
Торгина қалбимга кенг дунё қафас.

Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга,  
Қўзи кетган каби қўйнинг изидан,  
Гўё қуёш ойни кузатганидай,  
Ўт бўлиб орқангдан кезмакдаман ман.

Сен оташ ичида урасан жавлон,  
Душман қолмасин деб севган элимда,

Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон.  
Элим ва ёримнинг номи дилимда.

Мен ёвни қираман жангда беомон,  
Сени ахтараман бир нафас тинмай,  
Бир қўлда қиличим, бир қўлда қурол,  
Севгувчи қалбимда нола қилар най.

Сенга юборганим оташин бўса  
Енгил шаббодадек учар ҳавода,  
Жанг бўлган жойларда лабингни излар  
Ва баъзан дарбадар кезар самода.

Балки учрашмасмиз биз энди мангу,  
Бўсамиз ҳам қолар балки саргардон,  
Лекин севишганлар қайтмас ўлимдан,  
Лекин мангу қолар икки томчи қон.

Дунёда албатта бир ўлмоқ бор-ку!  
Ҳеч ажаб эмасдир ўлсак жанг аро,  
Ёв билан курашда оқса қонимиз,  
Бўлмай эл олдида юзимиз қаро.

Ўлимдан қўрқмаган эрлар қонидан  
Жуда табаррукдир қизарса тупроқ.  
Ўша қон дўстларнинг ёритиб юзин,  
Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,  
Ғалаба тўйида бўлармиз биз ҳам;  
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,  
Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

Гўзал Украина далаларида  
Яна аввалгидай табиат гуллар,

Буюк Россиянинг ўрмонларида  
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Буғдой бошоғидай кўкка интилиб  
Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.  
Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,  
Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,  
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.  
Ёру дўстларимиз, севган элимиз,  
Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

1942

## СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Букун сенинг туғилган кунинг,  
Букун уйинг тўлади гулга.  
Нима қилай? Мен узоқдаман,  
Хаёл билан тушаман йўлга.

Ўн тўққизга чиқасан бугун  
Узоқдаман. Йўқ менда тоқат.  
Оғир жангга кетаётиб ҳам,  
Ёлғиз сени ўйлайман, фақат.

Сенга томон талпиниб қалбим  
Бир қуш бўлиб учар ҳавога:  
Мен кетидан қарайман ҳайрон  
Икки кўзим тўниб самога.

Эшикка чиқ шу соат сен ҳам,  
Мени эслаб осмонга бир боқ:  
Юлдуз тўла кўкка бир қара,  
Ҳавога сол бир нафас қулоқ.

Ётоғингга қўна олмасдан  
Парвонадир бир қуш бошингда;  
Чарх уради кўкда у танҳо,  
Нималардир сўзлар қошингда.

Қутлаш учун келганлар, майли,  
Орзуларин айтиб бўлсинлар,

Ҳамма сенга тилак тиласин,  
Шароб ичиб маст бўлсин улар.

Шундан сўнгра сен қадаҳ ушлаб,  
Хумор кўз-ла боққил самога,  
Тингла қушнинг эзгу орзусин,  
Қулоқ бергин майин навога.

Қуш дейдики: «Эй тўлишган қиз,  
Жангда юрган ёрингдан салом.  
Сенинг учун урушга кетган  
Номусингдан, орингдан салом».

Қуш дейдики: «Ёшинг ҳеч қачон  
Ўн тўққиздан ошмасин асло,  
Йигит сени жуда соғинган,  
Ёрим,— деди,— шошмасин асло.

Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал,  
Йигит сендан шуни сўрайди.  
Йигит сени меҳр, садоқат  
Ва ишқ гули билан ўрайди.

У келади албат қошингга,  
Элга шодлик олиб келади,  
Элга шодлик, омонлик ва бахт  
Олиб, доврўғ солиб келади.

Сени тинмай эслайди ёринг,  
У доимо содиқдир сенга,  
Ўн тўққиздан ошмай кутиб тур,  
У лойиқдир муҳаббатингга».

«Шошилма» деб қуш сўзлар яна,  
Парвонадир қошингда ҳамон:

«Қизга бундан яхши фасл йўқ,  
Ўн тўққиздан ошма ҳеч қачон!»

Етоғингга қайтасан сен маст,  
Кўрган каби гўёки бир туш.  
Менинг қалбим бўлиб кўринар  
Сенга шунча сўзлар айтган қуш.

1943

Рангинг тупроққа ўхшар,  
Сен ўхшайсан кигизга,  
Бормасдим сени кийиб,  
Ёрим бўлажак қизга.

Марғилонда тўқилган  
Йўл-йўл шойи беқасам,—  
Минг марта яхши эди  
Ичмаганимда қасам.

Лекин сени устимга  
Катта бир ғам кийгизди,  
Синглим, қариндошларим,  
Отам, онам кийгизди.

Сени кийгач йўл олдим  
Қонли жанг бўлган ёққа,  
Тушдим ёшлигим ўтган  
Дарёлардан йироққа.

Канал қазган қўлларга  
Автомат, милтиқ олдим,  
Кириб янги йўлларга  
Ўзимни ўтга солдим.

Таққаним белбоғ эмас,  
Қаттиқ камар белимда,  
Ёрим тиккан қийиқча  
Қола берди йўлимда.

Кигиз кийим, сени мен  
Ёримга алиштирдим,  
Йўлимга қараб қолган  
Зоримга алиштирдим.

Тошга бош қўйганимда  
Ёстиқ каби туюлдинг,  
Ботқоқда ётганимда  
Гуё тўшакдек бўлдинг.

Ўрганиб қолдим сенга,  
Ёқиб қолдинг танимга,  
Пушаймон бўлдим ҳатто,  
Кечикиб кийганимга.

Шунинг-чун бир нафас ҳам  
Сени асло ечмайман.  
Доимий йўлдошимсан,  
Сендан асло кечмайман.

Агар урушда ўлмай,  
Уйимга қайтсам омон, —  
Барибир, сени ташлаб  
Хўрламайман ҳеч қачон.

Уйимнинг энг тўрига  
Осаман қилиб ёдгор,  
Шойи тўн кийганда ҳам  
Қарайман тақрор-тақрор.

Агар улғайса ўғлим  
Кийгизаман унга ҳам,  
Тушмасин деб қайтадан  
Элимнинг бошига ғам!

1943

Россия, Россия, азамат ўлка!  
Эй осмон сингари бепоён Ватан!  
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга  
Қуёш қуча олмас сени дафъатан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то  
Шимолга етгунча кетади ҳолдан,  
Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто  
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам  
Неча бор қўнарлар сенда учганда;  
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —  
Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,  
Қўшилиб чулғанса сенинг белингга.  
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,  
Менинг билишимча сенинг элиннга.

Бало-офатларни енгиб ўрганган  
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг кенгдир,  
Сен қардош элларга энг монанд Ватан!  
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда  
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас,  
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда  
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Кўрганда бўлганман чуқур сукутда  
Ленин яшаб турган пичан ўтовни;  
Пўлат қиличингни кўрганман ўтда,  
Халқимиз Москвадан қувганда ёвни.

Қаҳратон қишингда, баланд осмонда  
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди;  
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда  
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда  
Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим.  
Бир қарра ёв ўтган ўрмонларингда  
Кўмирдан ҳам қаро тонглари кўрдим.

Меҳринг қаршисида муздир офтоб,  
Лекин офтобингда қорлар эрийди,  
Муқаддас қаҳрингга беролмасдан тоб  
Тупроғинг остида фашист чирийди.

Оғир қурол билан солган овозанг  
Ларзага келтирар арзу самони,  
Сен дарё бўйида олиб борган жанг  
Тамом ўзгартирар оби ҳавони.

Йигитлар сен учун жангга кирганда,  
Ботирлар осмонда берганида жон,  
Кўзидан қон оққан ёви кўрганда,  
Сенинг енгиланганга келтирдим имон.

Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.  
Сенинг тупроғингда улғайди таним,  
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1943

## ҚАМАЛ ҚИЛИНГАН ШАҲАР ТЕПАСИДАГИ ОЙ

Гўзал ой, сенга бир гап  
Демакка кўп ҳайронман.  
Бемаҳал тўлганингдан  
Тоза ҳам пушаймонман.

Бурун сени кўрганда  
Очиларди баҳримиз,  
Энди кўрина қолсанг  
Қўзғалади қаҳримиз.

Чунки биз шаҳримиздан  
Чироқни ўчирганмиз.  
Уйимизни ҳатто ер  
Остига кўчирганмиз.

Безовтадир элимиз,  
Юртимизга кирган ёв.  
Шубҳа қиламиз дарҳол,  
Бемаҳал юрса биров.

Шаҳримизни ёритиб  
Қилганда ёвга ошкор,  
Кўзимизга гўёки  
Бўласан сиртмоғу дор.

Кумушдай нурларингдан  
Тўкилар қора хатлар,

Шу замон тепамизда  
Уча бошлар калхатлар.

Ёвовой ёв қутуриб  
Қизлар уйларни вайрон,  
Улим ёғдирар тинмай  
Бағримизни қилиб қон.

Шунинг учун ҳозирча  
Бўлмаганинг яхшироқ.  
Шаҳримиз тепасида  
Тўлмаганинг яхшироқ.

Уйин-кулги бизда йўқ,  
Юракка дард ютганмиз,  
Бошимизга ғам тушиб  
Шодликни унутганмиз.

Бир нафас ҳам ором йўқ.  
Ҳаттоки қурту қушда,  
Қизлар эрга чиқмайди,  
Эрлар бўлак ташвишда.

Бир чоғлар тепамизда  
Сен бўлганингда пайдо,  
Боғларга чиқар эдик  
Бўлгали сенга шайдо.

Ёримизнинг юзини  
Биз сенга ўхшатардик,  
Саҳаргача тикилиб  
Сув бўйида ётардик.

Сендан бошлар эдилар  
Қизлар эртак айтганда,

Қарар эдилар сенга  
Ёр узоқдан қайтганда.

Ўша кунларни қўмсаб,  
Ухламаймиз тунлари,  
Ширин эртакка ўхшар  
Ўша кунларнинг бари.

Ўша кунлар келади,  
Ўша кунлар кўп яқин:  
Эртага тонг кўринар  
Бугунги тонгдан ёрқин.

Ана ўша кунгача,  
Тишингни қўй тишингга,  
Шунда юз минг қиз билан  
Хабар қиламиз сенга.

Унда бутун дунёни  
Нурга кўмсанг майлига,  
Хатто кундуз куни ҳам  
Кезиб юрсанг майлига.

Унда нуринг тегмаган  
Бирорта ин қолса ҳам,  
Қаттиқ жанжал қиламиз  
Ёқангдан тутиб маҳкам.

1943

## ҒАЗАЛ

На бўлғай бир нафас мен ҳам ёноғинг узра хол  
бўлсам,  
Лабинг япроғидан томганки гўё қатра бол бўлсам.  
Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,  
Ўпиб гунчангни очмоқлиққа тонг чоги шамол бўлсам.  
Бўйингни тарқатиб оламини қилсам масту мустағриқ,  
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол  
бўлсам.  
Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен  
ёлғиз,  
Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бўлсам.  
Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,  
Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол  
бўлсам.  
Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат  
бирла бўҳтондин,  
Рақиблар рашкига кўкрак керай, майли, қамал  
бўлсам,  
Кезиб саҳрою водийлар етишсам бир висолингга,  
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол  
бўлсам.

1943

## НИҲОЛ

Сен ўтқазиб кетган ниҳол  
Ўсиб бўйингдай бўлди.  
Новдалари барг чиқарди,  
Боши гулга кўмилди.

Богимизда гул кўп жуда,  
Жуда ҳам кўп ниҳол бор.  
Лекин уни ёрим эккан,  
У энг азиз ёдгор.

Қачон сени кўргим келса,  
Тикиламан ўшанга,  
Кўп нарсалар айтган каби  
Қараб туради манга.

Саволимни тушунгандай,  
Силкинади у секин,  
Соғинибсан бечора деб,  
Энтикиб оламан тин.

«Зориқтирмай келсанг-чи бир,  
Интизор қилдинг бунча...»  
Деб япроқлар тебранади  
То чарчаб ухлагунча.

Қуёш чиқиб иситса ҳам  
Сендурсан деб ўйлайди.

Тунда ой кезиб ўтса ҳам  
Сендурсан деб ўйлайди.

Агар шамол қўзғаб қолса  
Титрашади келди, деб,  
Ерга қадар эгилади,  
Айтганларим бўлди, деб.

Нсёб йигит, босиб ўт, деб  
Тўкилади йўлингга.  
Гул барглари учишади  
Тушайин деб қўлингга.

Ёлғизгина ниҳол эмас,  
Бутун боғ изингга зор.  
Интизордир сенга тамоm  
Олмазор, олчазор.

Ниҳол эмас, боғ ҳам эмас,  
Мен сенга интизорман.  
Кўзларимга суртмоқ учун  
Жиндак гардингга зорман.

Мен гуллардан, боғлардан ҳам  
Соғинганман ортиқроқ.  
Эртароқ кел, юрак-бағрим,  
Ёвни енгиб кел тезроқ.

1943

## ЖАНГЧИ ТУРСУН 1942

Дарёнинг ёқасида  
Неча кундир борар жанг.  
Бугун яна не қилар?  
Турсуннинг боши гаранг.

Зўр жанглarning шиддати  
Қилди уни ганг ва лол,  
Қўрқиб қолди у, ҳатто.  
Қочмоқни қилар хаёл.

Бугун унинг ротаси  
Атакага кирази,  
Лекин жангчи Турсунга  
Жон ширин кўринади.

«Ўлиб кетсам бўлмайди,  
Қочганим яхши тезроқ...»  
Жангчи Турсун қочишга  
Улгуролмайди бироқ.

Почтальон онасидан  
Келтиради унга хат.  
Рота ҳужумга тайёр,  
Буйруқ кутади фақат.

Хатни секин очади,  
Уни титроқ ўрайди.

Онанинг сўзларидан  
Барг каби қалтирайди.

«Ўғлим, сендан хушхабар  
Келарми, деб кўз тутдим.  
Лекин, кўп жойни ташлаб  
Кетибди, деб эшитдим.

Шунда бутун танимни  
Ёндириб қаҳрим келди.  
«Тўхтагил!» деб ҳайқирдим,  
Тилимга заҳрим келди.

Қаёққа чекинасан?  
Борми кераксиз еринг?  
Не учун одам бўлдинг  
Келмасанг душманга тенг?

Сенинг-чун бутун элни  
Оғир уят тутсинми?  
Сени кўрганда қуёш  
Юзини беркитсинми?

Кўчадан ўтганингда  
Ерга қарасинми эл?  
Икки кўзингга қараб  
Тупроқ тўзғитсинми ел?

Кўзинг тушганда, Аму  
Илондек тўлғансинми?  
Зарафшон уятингдан  
Янтоқ каби ёнсинми?

Йигит бўлиб дунёда  
Шу учун юрганмидинг?

Ўз юртидан чекинган  
Ботирни кўрганмидинг?

Халқинг учун тўккали  
Йўқми бир қошиқ қонинг?  
Ватаннинг тупроғидан  
Ширин эканми жонинг?

Ватандан бошдан-оёқ  
Қочиб ўтмоқчимисан?  
Ўз туғилган ерингдан  
Чиқиб кетмоқчимисан?

Сўнг қаёққа борасан,  
Қаердан топасан жой?  
Саргардон қўлни ҳатто.  
Топа олмагай худой!

Ёт элларда хор-сарсон  
Гадой бўлмоқчимисан?  
Қабр учун керак ерни  
Қарзга олмоқчимисан?

Ўғлим, бу оғир кунлар  
Бир кун ўтиб кетади,  
Лекин қўрқоқнинг шаъни  
Минг йилларга ўтади.

Шунинг учун жангда мард  
Бўлганинг яхши менга,  
Қочиб тирик қолгандан  
Ўлганинг яхши менга.

Орқанга қарама ҳеч,  
Ёвни бурда-бурда қил!

Агар ўқ текканда ҳам  
Олдингга қараб йиқил.

Ўртоқларинг устингдан  
Майли, сакраб ўтсинлар.  
Ёв агар аждар бўлса  
Ўшани ҳам ютсинлар.

Яна бир дўстингга айт,  
Сенинг ёнингда борсин.  
Қон бўлган кўйлагингни  
Олиб менга юборсин.

Мен уни бутун элга  
Фахр этиб кўрсатаман.  
Шоҳар, қишлоқлар бўйлаб  
Уни кийиб ўтаман.

Ҳамма десин: «Бу ўтган  
Бир ботирнинг онаси.  
Ватан учун ўлибди  
Унинг ёлғиз боласи...»

Рота жангга киради,  
Турсун бошида зўр юк.  
Дунёда ҳеч сўз борми  
Она сўзидан буюк?

Милтиғини кўтариб  
Боради мажнун каби,  
Она сўзларин айтиб  
Пичирлаб турар лаби.

Бирдан бошланган ҳужум  
Она сўзини дейди.

Оёғи остида қум  
Она сўзини дейди.

Уқларнинг йиғисидан  
Учар она фарёди,  
Бомба портлашларидан  
Эшитилади доди.

Лойланиб оққан дарё —  
Онанинг кўз ёшидай.  
Бошин эгиб дарахтлар  
Тураб ғамгин бошидай.

Она оғир ва хафа  
Кўринади Турсунга.  
Кўзини очолмайди,  
Боқа олмайди унга.

У найза санчишади,  
Сапчийди олға омон.  
Ўлим нима билмайди,  
Кўринмас кўзига жон.

Немиснинг ўлигини  
Босиб ўтиб боради.  
Найзага қалпоғини  
Осиб ўтиб боради.

Ҳамон чопиб боради,  
Ва лекин кўкраги қон,  
Оғриқни ҳеч сезмайди,  
Сира қилмайди фиғон.

Минг еримдан тешсанг ҳам  
Энди кўрқмайман, дейди.

Ичган билан қонингга  
Асло тўймайман, дейди.

Ўт ёнган кўзларига  
Тикилган каби ҳамон  
«Тўхтама! — деди она, —  
Чоп,— дейди,— олға томон!»

Оғайнилар, ўртоқлар  
«Санч!» деганга ўхшайди.  
«Тўғрингдаги фашистни  
Янч!»— деганга ўхшайди.

Найза санчар маст каби,  
Найзаси қип-қизил қон,  
Қўли қон, милтиғи қон  
Ва кийган кийими қон.

У, ерга йиқилади,  
Ўқдай учиб бораркан.  
Тоғдай оғир қулайди,  
Қуш сингари енгил тан.

Танидан булоқ каби  
Тинмай қон тирқирайди.  
Тирсагига тиралиб  
У атрофга қарайди.

Анча узоқ кетибди,  
Фашист ҳам бўпти тамом.  
Уфқ ҳам қизарибди,  
Қуюла бошлабди шом.

Жангчи дўстлари энди  
Дарёдан ўтмоқдалар.

Барчаси тўпланишиб  
Кўприкни тутмоқдалар.

У жуда хурсанд бўлиб  
Тупроққа қўяди бош.  
Бошлари қип-қизил қон,  
Гўё ботувчи қуёш.

Ўлдими, ухладими?  
Энди барибир унга.  
Уйқуси ўлим каби,  
Ўлим ўхшар уйқуга.

Эркаланиб ётади  
У Ватан тупроғида,  
Ёш бола ётганидай  
Снанинг қучоғида.

1944

Кичкина бир тугунчак  
Роксана қўлларида,  
Айланади қуондак  
Шаҳрихон йўлларида.

Кезар тинмай дарбадар,  
Ҳеч кимга айтмас аҳвол;  
То шомдан тонгга қадар  
Давом этади бу ҳол.

У тинмасдан қийшиқ, тор  
Кўчаларга кирази.  
Топгандек яна озор  
Чўлларга югуради.

Қўлида бир тугунчак,  
Қаттиқ босган бағрига.  
Сўйлагил, эй келинчак,  
Бунча чопасан нега?

Гоҳ сойда, гоҳ кўчада,  
Кезиб нелар қиласан?  
Бу зим-зиё кечада  
Нималар қидирасан?

Лекин ҳеч бир гап кирмас  
Роксана қулоғига.

138

Чопади, олмас нафас,  
Боқмас сўлу соғига.

Қўлида бир тугунчак,  
Уни яширмоқчимми?  
Ё бир умр қуюндек  
Дербадар юрмоқчимми?

Уни ҳеч ким кўрмайди,  
Ҳамма ундан беҳабар,  
Барибир тополмайди,  
Излаганда ҳам агар.

\* \* \*

Қаттиқ уйқуга қониб  
Ётади тун қучоғи,  
Сора сачраб уйғониб  
Кетади сахар чоғи.

Оғир қисиб нафаси  
Чиқади ташқарига:  
Роксананинг хонаси  
Очиқ ётибди, нега?!

Хонада йўқ ўзи ҳам.  
Сора тамом бўлар лол,  
Ҳамма сир унга мубҳам  
Келтиради зўр малол.

Не воқеа ўтибди?  
Бу нима гап, бу не ҳол?  
Қаёққа ҳам кетибди,  
Бизнинг мусофир меҳмон?

Гангиб қолдими боши?  
Шўрлик қолди қаёқда?  
Йўқ-ку ҳеч қариндоши,  
Юрти ҳам кўп узоқда!

Ва ёки ўртамизда  
Ёмон бир гап ўтдими?  
Ёки айб кўриб бизда,  
Уйни ташлаб кетдими?

...Ё соғиниб элини  
Бўлдими юраги қон?  
Ажабо, қайга кетди  
Бизнинг мусофир меҳмон?

Сора бутун ҳовлини  
Турғизади оёққа,  
Ҳаммаси Роксанани  
Чиқишар изламоққа.

\* \* \*

Ниланидир излайди,  
Роксана ҳамон тинмай,  
Майин-майин бўзлайди,  
Кўнглида бир ғамгин най.

Ариқ, жарлардан ошиб,  
Қарайди деворларга,  
Юра-юра адашиб,  
Суянади толларга.

У билмайди не гаплар  
Ҳовлида ўтганини,  
У билмайди қўшнилар  
Уйғониб кетганини.

Сора кўтариб ғавғо  
Чиққанини ҳам билмас.  
Дунёда ўзни танҳо  
Сезади у шу нафас.

Қўлидаги тугунчак  
Унга энг зўр қадрдон.  
Дунё, хазина, чечак —  
Бари бир пул шу замон.

Суяниб букилади  
Дала оғочларига.  
Тонг нури тўкилади  
Паришон сочларига.

Турар ҳеч нарса сезмай,  
Оғир қарашлари ҳам.  
Тик турар ғам қушидай  
Ингичка қошлари ҳам.

Кипригини ҳўл қилган  
Шабнамми ва ёки ёш?  
Жувонга нима бўлган?  
Ким экан унга йўлдош?

Не алам босган уни?  
Улфат бўлган қандай ғам?  
Бағрига босганини  
Кўра олмас қуёш ҳам.

\* \* \*

Оҳ, Роксана, бағрингга  
Нимадир ул босганинг?  
Не мушкул иш бошингга  
Яна ёғилди санинг?

Бу ёлғиз — танҳоликни  
Топдинг қайси китобдан?  
Яширасан нимани  
Ҳаттоки офтобдан?

Сенинг учун шу қадар  
Азиз бўлган нима у?  
Нега лабларинг титрар?  
Ҳамроҳинг қайси қайғу?

Наҳотки одамзоддан  
Уни шунча яширсанг?  
Кечиб бутун ҳаётдан  
Тунларда якка юрсанг?

Ва сен учун наҳотки  
Бир сирдош топилмади?  
Сўйлагали дардингни  
Бир йўлдош топилмади?

\* \* \*

У, атрофда бир овоз  
Эшитганга ўхшайди.  
Қалб ипларини бир соз  
Хўп чертганга ўхшайди.

Маст каби қарайди жим  
Нотаниш қишлоқларга.  
Кетиб хаёли бир зум  
Анча узоқ ёқларга.

Йўлга тикилар экан  
Кўзи тамом тинади,  
Жондан ҳам ортиқ севган  
Элини соғинади.

У элли эслаганда  
Қисилар нафаслари,  
Торайган бўлиб яна  
Қалбининг қафаслари.

Хонадонига бирдан  
Фашист бўлганда эга,  
Партизанликда қолган  
Эри келар ёдига.

Ўтади кўз олдидан  
Кўкка чиққан тутунлар.  
Кичкина Вова билан  
Қишлоқдан чиққан тунлар.

Эй, онам кўмилган ер,  
Нега бунча йироқсен?  
Кул бўлсанг ҳам барибир  
Мен туғилган тупроқсен.

Эй, ўғлим туғилган эл,  
Қандай қилай соғинсам?  
Етармидим мен енгил  
Хаёл қушидай бўлсам?

Лекин мен етолмайман,  
Бошимга тоғ йиқилган...  
Ҳеч нарса деёлмайман  
Бу кеча... Вова... ўлган...

\* \* \*

Оппоқ тонг туманида  
Кимлардир изғишади.  
Кўп сирлар гумонида  
Баланд-пастга тушади.

Роксанани излашар —  
Улар олдида Сора.  
Жонсаракча сўзлашар  
Қилиб минг хил ишора.

Қаерда ҳам қолди, дер  
Бизнинг мусофир меҳмон?  
Ҳаммаси ҳам афсус ер,  
Тополмасдан бир нишон.

Чарчамай изламоқда,  
Сора ичади қасам:  
«Таом ўтмас томоқдан  
Роксанани топмасам».

\* \* \*

Роксана кўзларини  
Тикади тугунчакка.  
Ёш ювиб юзларини,  
Доди чиқар фалакка.

«Сени мен қандай қилиб  
Тупроққа топшираман.  
Сўнгра тириклай ўлиб  
Қандай қилиб юраман».

Сойнинг катта тошига  
Бош уриб сувлар куйлар.  
Роксананинг бошига  
Келади минг хил ўйлар.

Уни босар талваса,  
Яна ортади зори:  
«Бу ерда қайда бўлса  
Христиан мозори?»

Мусулмонлар боламини  
Қўярми ўз ерига.  
Ё тақдир, мунча мени  
Улоқтирдинг сен нега?»

Роксананинг лаблари  
Нималардир пичирлар.  
У, мозорга киради,  
Қўнғлида қанча сирлар.

\* \* \*

Қаршисига мозордан  
Пешвоз чиқади бир чол,  
Қошлари ҳам оқарган,  
Кўкрагигача соқол.

Қўлида бир тугунчақ,  
Роксана турар титраб,  
Тили тутилган андақ  
Айтолмайди бирон гап.

«Салом — дейди, жон қизим»,  
Ерга эгилади чол.  
Бир нарса сезгандай жим  
Ва бермас ҳатто савол.

«Боламини ол, отажон,  
Муқаддас мазорингга,  
Билки, келдим, бегумон,  
Паноҳ тутиб мен сенга».

Чол йиглайди, милдираб  
Кўзидан келади ёш;  
Киприкларида кўлоб,  
Тугалар сабру бардош.

«Билсанг, менинг ҳам ўғлим  
Қолди сенинг ерингда.  
Бор менинг ҳам бир қабрим  
Сенинг севган элингда.

Бу уруш кўп халқларнинг  
Озорини ҳам қўшди,  
Тақдирини қилди тенг,  
Мозорини ҳам қўшди».

Болани икки қўллаб  
Оҳиста олади чол.  
Гўёки чанқаб, чўллаб  
Хўп ўпади бемалол.

«Бу тупроқ энди сенга  
Она қизим, ёт эмас.  
Украинани ҳам менга  
Ҳеч ким бегона демас».

Кўз ёши булоқ-булоқ,  
Чол нимадир ўқийди. /  
«Ё омин, энди тезроқ  
Душман йўқ бўлсин», — дейди.

\* \* \*

Бир тўда одам билан  
Бўлиб тоза овора,  
Мозор бошига бирдан  
Етиб келади Сора.

Роксанани бу ҳолда  
Кўриб қолади ҳайрон:  
Зўр изтироб бор чолда,  
Йиғлар мусофир меҳмон.

Сора ўзини билмай  
Роксанага ташлайди.  
Ҳамма ўзин тутолмай,  
Бирдан йиғлай бошлайди.

Йиғи-сиғиларини  
Эшитмайди ёш гўдак.  
Ва юмиб лабларини,  
Ётади гўё чечак.

Чечак эмас у асло,  
Очилмаган бир гунча,  
Уни урибди бало  
Гул бўлиб очилгунча.

Ётади манглайи кенг,  
Жон йўқ киприкларида,  
Қимирлаш йўқ боланинг  
Момиқ билакларида.

Ётади у беозор,  
Ёзиб қулочларини.  
Фақат шаббода зор-зор  
Тарайди сочларини.

Роксана қарайди-да,  
Ҳасратлари ошади,  
Тонг қушлари ҳавода  
Учишиб йиғлашади.

Вовани қўядилар  
Улар қора тупроққа,  
Сўнг яна бошлайдилар  
Увиллаб йиғламоққа.

Уларнинг бошларида  
Учади кўп кабутар,  
Роксана ёшларида  
Акс этади бехатар.

О, Роксана, эй санам,  
Ютдинг заҳар-заққумлар,  
Осиёда бўлди нам  
Ёшларингдан кўп қумлар.

Ажаб эмас безавол  
Бу қумларда гул унса,  
Манзил топса бемалол  
Ҳаёт қушлари қўнса.

\* \* \*

Қоронғилик йўқолиб,  
Тонг томон ёйилади.  
Дунё нур ичра қолиб,  
Қуёш билан тўлади.

Одамлар уйларига  
Қайтишадилар шунда  
Ва гўёки ҳеч нарса  
Ўтмагандай бу тунда.

**ШОҲИМАРДОН**  
(Достоннинг эскизлари)

**1932**

**1**

Салқин шамол  
Бирдай елпиниб-елпиниб турадир;  
Салқин шамол бирдай елпиб,  
Ҳилпингувчи байроқчани кўзга урадилар.  
Шунда — қабри... тоғ бошида бўлган қурбоннинг  
Энг қайнаган нафасида тўхтаган қоннинг —  
Ранги билан бўялган байроқ  
Тоғ бошида елпиб турар Шоҳимардоннинг.

Кўз олдига қутурган бир тарих келади:  
Кўринади интиқомнинг қонли лавҳаси.  
Шоҳимардон муштумзўри, бойи, муллasi —  
Улаётган наслларнинг қора тўдаси;  
Аччиқ заҳар тўкиб, совуқ куладир,  
Тоғ бошида қонга ботиб, шоир—ўладир.  
Тоғ бошида бир умрга паймон тўладир.

Ўтган кунлар эсда бор ҳали:  
Тўхтамасдан,

чанг чиқариб

отлар ўтадир,

Тебранишиб соябонлар

ўта берадир.

Нафас олмай муздай суви Шоҳимардоннинг  
Ваҳший куйларига тошлар ўйнатиб,

149

Доим шовқин билан кета берадир.  
Утган кунлар эсда бор ҳали:

Дилдор табиати, соф ҳавосида,  
Мармар сувларида Шоҳимардоннинг,  
Бир парча нон учун зор бўлган инсон,  
Тақдир ёзмишига исён қиладир.  
Исён қиладилар: бутун умрга  
Куйдор ариқлардан кечолмаганлар;  
Исён қиладилар: Шоҳимардоннинг  
Даво сувларидан ичолмаганлар.

Утган кунлар эсда бор ҳали.  
Гўзал табиатли Шоҳимардонни  
Ваҳмга, ўлимга, қоронғуликка,  
Ўргимчак уйига чирмаб ташлаган,  
Дўзах ваҳм билан сўра бошлаган  
Қора юракларга, ифлос кучларга  
Отларга ортилиб, арава тўлиб  
Текин, беҳудага ҳаёт келадир.  
Ваҳмга, ўлимга ўралган жонлар,  
Нажот ахтарувчи нажотсиз қонлар.  
Чирик дарахтларга, қуруқ шохларга  
Алам бўйлаб, йиғлаб, сиғиниб,  
Йўқ илоҳ олдида ҳайкалдек тиниб,  
«Шунга ҳам шукр!» деб бўйин эгадир.  
Ўзни шўрли билиб, кўп пешоналар,  
Сассиқ бурчакларга, мазор бошига  
Қора чироқ ёқиб, ерга тегадир  
Қора зулукларнинг остонасидан  
Тупроқ олиб кетиб, вақт қидирадир.  
Бир кафт тупроқ билан барча фалокат,  
Барча шўрликлардан чиқмоқ бўладир.

. . . . .

Шундай қилиб, қурийдир ҳаёт,  
Шундай қилиб, мардикор, батрак  
Ажрамишдир парча нонидан,  
Ўз уйига ўзи бўлиб ёт,  
Ажрамишдир сўнг чопонидан;  
Шундай бўлиб, тиланчи абгор,  
Шундай бўлиб, оёқости, хор;  
Қамчи тегларида бутун неъматни...  
Барча гўзалликни яратган шоир  
Ўқиб эшитмайдир ўз ғазалини.

Қора кунлар эсда бор ҳали:  
Сойларнинг сувлари ўйлаб оқадир,  
Юлдуз кўринадир тоғ тепасидан,  
Юлдуз нури билан йўл ёритадир,  
Дарё ёқасидан, сойнинг пастидан.  
Мана шоир,  
Қоронғулик босган жойларни  
Юлдуз бўлиб ёритмоқчилар;  
Ўргимчак қийнаган пок юракларнинг  
Дарди, аламини аритмоқчидир.  
Эртага ўн йиллаб эзилган батрак  
Бирйўласи колхоз бўлмоқчи;  
Уни эзганларни ўзи тугатиб,  
Ниҳоят, инсондек ҳаёт қўрмоқчи.  
Эртага ўлимдан қўрқмасдан Серви;  
— Паранжимни ташлайман, —

дейдир —

Зор қолсин сиғиниш тупроққа, тошга,  
Майлига,  
Мозорлар ёғжиниб кўрсин,  
Бошимда ўлимдан қоровул турсин,  
Янги ҳаёт бошлайман, — дейдир.  
Эртага: пионер авлиёларнинг

Аламларин йўқотмоқчидир;  
Мақтаб тепасига, клуб бошига  
Қизил байроқ ўрнатмоқчидир.  
— Эртага, барчамиз, тоғ тепасида  
Қўрқмас юракларга байрам қиламиз,  
Қақроқ саҳроларга, чанқоқ ерларга  
Сувлар чиқарамиз, ҳаёт берамиз! —  
Қоронғи кучлари Шоҳимардоннинг  
Заҳок деворлари ўлим сезадир.  
Юксак тоғларига зилзила берган  
Янги бир оҳангнинг кучи кезадир.

Деворлар тагида гап чўзиладир:  
Шивир-шивир, фасод, иғво, ғаш!  
Карахт қуртлар хуруж қиладир:  
Қора қанот ёйиб фитна, ўч, алдаш.

Эй, сен шоир, эй, Ҳакимзода!  
Эй, юраги дард билан тўлган!  
Қора кучлар, авлиёларнинг  
Чироғини ўчирмоқ бўлган!  
Бутун ғазаблари карахт кучларнинг  
Сўнгги хуруж билан талавса қилди:  
— Қон! — дея  
Қўзғалган қора оломон,  
Ўлувчи ўч билан жаҳлга минди.

Тоғлар тепасида қуёш тўладир,  
Яшнаб етиладир, ёниб куладир.  
Ўйчан кўзлар билан қадам ташлаган  
Тоғ бошидан  
Шоир тушиб келадир;  
Кўннинг қизғинида ҳур-ҳур шаббода...

Тоғ бошидан, тоғ қиррасидан,  
Олдидан, орқадан, чапи-ўнгидан  
Ўлим уни ўраб оладир.  
Бўйнига ташланар бири ўлимдай,  
Қўлга чилаир солар бири зулмдай,  
Бомба тушган каби портлаб ўрнидан.  
Юрак чиқиб кетар қинидан.  
Ўлим тезлигида томирларда қон  
Қутуриб югурар мияга томон...

Ширин хаёл билан келгувчи, нохос  
Тошга йиқиладир, чорасиз. . . шундай,  
Кўзи қоронгулаб, тўлувчи тундай.

. . . . .  
Дарахт кесилгандек қирқилган тандан  
Тирқираб қизил қон оқадир,  
Энг сўнгги кучини, ўчини тўплаб,  
Шоир сўнг мартаба маъсум боқадир.  
Нурсиз қолди шоирнинг кўзи,  
Юрак уришлари тўхтади:  
Бўғизлардан ҳовур чиқмади,  
Томирларда ҳаёт отига  
Бир қатра қон бўлсин, оқмади...

Бугун катта тантана эди: қонсираган кўзлар,  
Қонсираган кўзлар, зах босган юзлар,  
Ҳалокат судраган қоп-қора излар  
«Бизни кўрдингми?» — деб ҳамла қилдилар,  
Ҳавоси сасиган қора кечмишни  
«Ғанимат беш кун», деб чўзмоқ бўлдилар.

## 2

Сувлар оқар эди, Шоҳимардоннинг  
Тинир эди ҳар куни юзи.

Сувлар оқар эди. ...Қарши кучларнинг  
Тушар эди кўзига кўзи.  
Ерсизлари, ватансизлари,  
Батраклари Шоҳимардоннинг  
Кўрсатарди ҳар кун буюк иш,  
Муштумоўрни енгиб юксалган  
Колхоздаги зўр ғолиб товуш:

— Қани кел!

Юзма-юз бир гаплашайлик,  
Кўзлар кўзга қаттиқ тикилсин,  
Бошдан кечиргани, у, ўлик кўзнинг  
Қўрқинч бир туш каби эсига келсин:  
Сени йўқотмасдан илож йўқ сира!  
Сен бизга ҳеч қачон кун бермас эдинг;  
Ҳолбуки, сен — битта,  
Биз-чи — жуда кўл!  
Фақат биз чўридай, қулдай тер тўкиб,  
Хуноб, зардоб бўлган фақат биз эдик!  
Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
Мана кел, сен ўзинг тоғ бағрига боқ:  
Шу кўм-кўк қирларга ҳирси ташлаб кўр!  
Тоғларга чирмашиб жим оқаётган  
Жаннат ариқча ҳам сўнг марта қара!  
Қора бир тарихдан беради хабар:  
Тиниб ўтаётган суви соф унинг  
Бизнинг кўзимиздан оққан ёш қадар.  
Ш'уларнинг ҳаммаси бизнинг елкада,  
Бизнинг суякларда ўсмаганмиди?  
Бизлар эмасмидик сайисхонада  
Моллар, отлар билан баробар ётган?  
Сенлар эмасмидинг, шу кўкликларда  
Бизга заҳар бериб, лаззатни тотган?

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
Чумоли сингари ҳеч бир тинмайин

Тишларга тишлашиб дон ташиган биз!  
Қуёшнинг тиглари баъзида майин,  
Баъзида жазиллаб тамға босганда,  
«Ҳой одам, ўлдингми-қолдинг?» — демайин,  
Умрида бир карра ҳол ҳам сўрмайин,  
Сен эдинг тўнғиздай ёғ босган, семиз! I  
Сендан инсонликнинг келмасди ҳиди,  
Оғир жафоларнинг гувоҳи бизмиз;  
Бизнинг ўлимдан ҳам мотамли эди  
Сен учун, ноҳосдан ўлган бир ҳўкиз!

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
Сизни йўқотмасдан илож йўқ сира!  
Мана бу — адолат!  
Бу улўғ ният!  
Сизга жой қолмади ўлка кўксига.  
Бизда ҳар бир қадам — зўр зарурият!

Салқин шамол,  
бирдай елпиб-елпиб турадир.  
Салқин шамолларда енгил елпинган  
Қабр байроқчаси кулган бўладир;  
Бутун Шоҳимардон бўйлаб кеча ва кундуз  
Сувнинг қўшиғида, тоғ бешигида  
Инсоний турмушнинг ҳусни тўладир.  
Кеча-кундуз бўйлаб оҳангни бузмай,  
Сойнинг суви каби қўшиқни узмай,  
Коллектив ҳаётнинг енгган довуғи  
Юраклар, онглари тинтув қиладир.  
Азоб, уқубат-ла эскини енгган  
Янги юракларда қон югурадир.  
Бунда — баробарлик,

Бунда — инсонлик,  
Чиндан туғишганлик,

хурлик,  
адолат;

Яшнаб, порлаб кўринар  
Ильич чироқлари ушлаган ҳолат!

Багиллаган товуш келади...  
Нафас тўлиб,  
Тиним, тўхтовсиз.  
Оҳанг чўзиладир чексиз, ўлчовсиз,  
Қулоқ битган каби бўладир.  
Гектар-гектар саналган ерда  
«Ҳакимзода» колхозчисининг  
Тўқ турмуши кезиб юрадир;  
Гектар-гектар

саналган

ердан

Багиллаган товуш келади...

# М У Н Д А Р И Ж А

|                                              |    |
|----------------------------------------------|----|
| Эрк ва қардошлик куйчиси . . . . .           | 3  |
| Болалик . . . . .                            | 18 |
| Сийёб . . . . .                              | 21 |
| Бахтлар водийси . . . . .                    | 27 |
| Хайрлашув . . . . .                          | 34 |
| Дарё кечаси . . . . .                        | 36 |
| Москва . . . . .                             | 38 |
| Ўзбекистон хотираси . . . . .                | 40 |
| Куйчининг хаёли . . . . .                    | 43 |
| Ҳар юракнинг бир баҳори бор . . . . .        | 47 |
| Офелиянинг ўлими . . . . .                   | 48 |
| Жануб кечасида . . . . .                     | 51 |
| Хаёлинг-ла ўтади тунлар . . . . .            | 52 |
| Чимён эсдаликлари . . . . .                  | 54 |
| Кеча. Саҳро . . . . .                        | 56 |
| Ҳолбуки, тун . . . . .                       | 57 |
| Хаёлимда бўлдинг узун кун . . . . .          | 59 |
| Ишим бордур ўша оҳуда . . . . .              | 60 |
| Қора денгиз бўйида . . . . .                 | 62 |
| Мизимта дарёси . . . . .                     | 63 |
| Соғинганда . . . . .                         | 64 |
| Ўрик ғуллаганда . . . . .                    | 65 |
| Ҳулкарнинг шеъри . . . . .                   | 67 |
| Бутун олам бир оппоқ сийна . . . . .         | 68 |
| Тунни излаш . . . . .                        | 69 |
| Дарё тиниқ, осмон беғубор . . . . .          | 70 |
| Ўлка . . . . .                               | 71 |
| Кечир мени . . . . .                         | 72 |
| Севги десам . . . . .                        | 73 |
| Толғим шулким . . . . .                      | 74 |
| Савол . . . . .                              | 75 |
| Тинимсиздир ёлғиз шаббода . . . . .          | 76 |
| Шу кунларда қутб олинди . . . . .            | 77 |
| 1924 йилнинг 22 январиди Самарқанд . . . . . | 78 |

|                                              |     |
|----------------------------------------------|-----|
| Дунё гўзал кўринар сенга . . . . .           | 82  |
| Розимасман бир ёш томса кўзимдан . . . . .   | 83  |
| Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида . . . . .          | 84  |
| Жавоб . . . . .                              | 85  |
| Дўмбиранинг мақтови . . . . .                | 86  |
| Бахт тўғрисида . . . . .                     | 88  |
| Пушкин . . . . .                             | 90  |
| Энг гуллаган ёшлик чоғимда . . . . .         | 93  |
| Ҳол . . . . .                                | 94  |
| Шодликни куйлаганимнинг сабаби . . . . .     | 95  |
| Горький ҳақида . . . . .                     | 97  |
| Ўзбекистон . . . . .                         | 99  |
| Янги йил орзулари . . . . .                  | 103 |
| Чирчиқ бўйларида . . . . .                   | 105 |
| Ғалаба қўшиғи . . . . .                      | 108 |
| Қўлингга қурол ол! . . . . .                 | 109 |
| Йигитларни фронтга жўнатиш . . . . .         | 111 |
| Йигирма иккинчи июнь саҳари . . . . .        | 114 |
| Севги . . . . .                              | 115 |
| Сен туғилган кун . . . . .                   | 118 |
| Шинель . . . . .                             | 121 |
| Россия . . . . .                             | 123 |
| Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой . . . . . | 125 |
| Ғазал . . . . .                              | 128 |
| Ниҳол . . . . .                              | 129 |
| Жангчи Турсун . . . . .                      | 131 |
| Роксананинг кўз ёшлари . . . . .             | 138 |
| Шоҳимардон . . . . .                         | 149 |

На узбекском языке

Узбекская классическая литература

ХАМИД АЛИМДЖАН

МЕЧТЫ ПЕВЦА

Лирика

Редактор И. Гафуров  
Рассом А. Москин  
Расмлар редактори А. Бобров  
Техн. редактор Т. Смирнова  
Корректор Р. Содиқбекова

ИБ № 1424.

Босмахонага берилди 23.05.79. Босишга  
рухсат этилди 29.10.79. Формати  $70 \times 90^{1/32}$ .  
Босмахона қоғози № 1. Кесик жур-  
нал гарнитураси. Юқори босма. Шарт-  
ли босма л. 5,85. Нашр л.  $5,34 \pm 0,06$  (вкл).  
Тиражи 100.000. Заказ № 1024. Баҳоси 55 т.  
Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриётн. Тошкент, 700129. Навоий кўча-  
си, 30

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите-  
ти нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ор-  
денли босмахонаси. Тошкент, «Правда Вос-  
тока» кўчаси, 26.

Олимжон Ҳамид.

Куйчининг ҳаёли: Лирика / Сўз боши муаллифи  
Ҳ. Ғулом. / — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1979. — 160 б.

Халқимизнинг унугилмас куйчи фарзанди, забардаст сапъаткор Ҳамид Олимжон ўзининг ҳассос ва ғўзал, нафис ва тугёнли шеърляти билан юракларни доимо ларзага солади, авлодларни Ватанга муҳаббат, улугвор коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу лирика китоби Ҳамид Олимжон ижодиётининг энг сара намуналаридан дасталанди. Шеърларни бу тўплам учун саралашда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия лутфан қимматли маслаҳатлар берди. Тўплам улкан шоирнинг 70 йиллигига бағишланади.

Алимджан Ҳамид. Мечты певца. Лирика.

ББК 84 Уз  
Уз